

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 809.1+398.22

Раҳимова Наргизахон Қўчқаралиевна

Ойбек дostonларининг тил хусусиятлари

5А 220102– Лингвистика (ўзбек тили)
мутахассислиги бўйича магистр академик
даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Фарғона – 2012

Мазкур тадқиқот иши Фарғона Давлат университетида
бажарилган

Илмий раҳбар:

М.АБДУПАТТОВ

филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи илмий муассаса:

Андижон давлат университети

М У Н Д А Р И Ж А:

Диссертациянинг умумий тавсифи..... 4

КИРИШ..... 8

I Боб. Ойбек дostonларининг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари.

1.1. Фонетик хусусиятлари..... 12

1.2. Морфологик хусусиятлари..... 19

1.3. Лексик хусусиятлари..... 22

II Боб. Ойбек дostonларининг синтактик – стилистик хусусиятлари

2.1. Дostonлар синтагматикаси..... 45

2.2. Дostonларда услубий – тасвирий воситаларнинг қўлланилиши..... 56

Хулоса..... 64

Адабиётлар рўйхати..... 68

Диссертациянинг умумий тавсифи

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, “Эндиликда илм-фан янги йўллар очиши, сифат жиҳатидан янги технологияларни жадаллик билан яратиши, жамиятнинг янги ҳолатга ўтишини таъминлаши лозим”¹. Бу фикрлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳисобланган ўзбек тилини тадқиқ этувчи ўзбек тилшунослиги фанига ҳам тааллуқлидир.

Йирик тилшунос олим, структур тилшуносликнинг таниқли вакилларида бири Л.Ельмслев ўзининг тадқиқот тамойили асосини эмпиризм ташкил этишини таъкидлаган. Унинг фикрича, бу тамойилда лингвистик бирликлар тавсифи ҳар қандай зиддиятлардан ҳоли, тўлиқ ва жуда содда бўлмоғи лозим. Бундан дедуктивликка асосланган барқарор ўзгармас тил бирликларини аниқлаш ва уларнинг нутқий жараёнда воқеланишини белгилаш структур тилшуносликнинг бош вазифаси эканлиги ойдинлашади. Оз сонли тил бирликлари билан чексиз маъноларни ҳосил қилиш мумкин. Бу эса тилни система сифатида ўрганишнинг етакчи тамойили саналади.

Ўз вақтида В.Гумбольдт тилни ҳар бир толаси бошқа томонлари билан чамбарчас боғланиб кетган улкан матога ўхшатган эди. Унинг фикрича, инсон ҳар қандай мулоқот чоғида ушбу улкан матонинг кичик бир қисмидан фойдаланади, холос ва айни пайтда, у ўзи ишлаётган қисмнинг бошқа қисмлар билан мустаҳкам ички алоқада эканлигини ақлан сезиб туради.

¹ Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент “Ўзбекистон”, 2012. 80-бет

Структур ва систем тилшунослик ўз вақтида тилга оид қатор муаммоларни ҳал этди. Тилнинг ҳар бир сатҳи бўйича ҳар бир элемент ўз тавсифини топди. Систем тилшунослик тилни яхлит тизим сифатида тадқиқ қилди. Бироқ систем тилшунослик тил системасига урғу берган ҳолда системалараро муносабатни эътибордан четда қолдирди. Натижада тил ва нутқ, тил-нутқ-вазият, тил-нутқ-руҳий ҳолат, тил-нутқ-мақсад каби муносабатдаги системалар билан боғлиқ ҳолатлар тадқиқотчилар эътиборидан четда қолди. Ана шундай муаммолардан бири лингвопоэтика масалалари бўлиб, бу бевосита тилнинг барча сатҳлари билан боғлиқдир. Бадиий асарлар тили, айниқса, шеърӣ асарлар тилини ўрганиш юқоридаги каби муаммоларни ечиш учун йўл очади. Бу эса мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида Ойбек ижодининг тил хусусиятлари ўрганилган тадқиқотлар мавжуд, аммо ёзувчи асарлари матни лингвопоэтик таҳлили борасида ҳали бажарилиши лозим бўлган ишлар кўлами кенг, унинг ўзбек тили тараққиётига кўшган ҳиссаси ва ижодий услубининг ўзига хос белгиларини аниқлаш масаласи ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ойбек дostonларининг тил хусусиятлари ўзбек тилшунослигида алоҳида монографик планда тадқиқ этилмаган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Фарғона давлат университети тилшунослик кафедрасининг илмий тадқиқотлар режаси асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ойбек дostonларининг фонетик, морфологик, лексик, синтактик ва стилистик хусусиятларини

ёритиш, Ойбекнинг поэтик маҳорати, шунингдек, унинг образ яратишда тилнинг ифода имкониятларидан фойдаланишини ўрганиш диссертациянинг асосий мақсади саналади.

Тадқиқот вазифалари. Диссертацияда назарда тутилган асосий мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилади:

- Ойбек дostonларининг фонетик хусусиятларини аниқлаш;
- Ойбек дostonларининг морфологиясини тадқиқ этиш;
- Ойбек дostonларининг ўзига хос лексикасини ўрганиш;
- Ойбек дostonларида гап қурилиши-гап моделини ўрганиш баробарида дostonларнинг синтактик хусусиятларини тадқиқ этиш;
- тилимиздаги тасвирий воситалар-услубий фигураларнинг дostonларнинг бадиий-эстетик қимматини оширишдаги ролини кўрсатиш;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- Ойбек дostonларининг фонетик хусусиятлари ўрганилди, фонетик ҳодисаларнинг дostonлардаги ўрни ва вазифаси кўрсатиб берилди;
- Ойбек дostonларининг ўзига хос морфемик ва морфологик хусусиятлари ўрганилди;
- поэтик нутққа хос бўлган сўз ва ибораларнинг Ойбек дostonларида қўлланилиши тадқиқ этилди;
- Ойбек дostonларининг синтактик хусусиятларини ўрганиш билан бирга унда қўлланган услубий воситалар таҳлил қилинди;

■ тилимиздаги тасвирий воситалар-услубий фигураларнинг дostonларнинг бадий-эстетик қимматини оширишдаги роли кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация материаллари ўзбек тилининг лингвопоэтикаси муаммоларини ўрганишда алоҳида илмий қимматга эгадир. Шунингдек, диссертациянинг назарий хулосаларидан нутқ маданияти, прагматика, социолингвистика, матн синтаксиси дарсларида фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси бўйича 2011-2012- йилларда Фарғона ва Андижон давлат университетларида ҳамда Қўқон давлат педагогика институтида ўтказилган анъанавий илмий-назарий анжуманларда маъруза қилинди.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни муаллиф томонидан эълон қилинган мақола ва тезисларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Иш «Диссертациянинг умумий тавсифи», «Кириш», икки асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 71 саҳифани ташкил этади.

Кириш

Тилшунослик тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, тил ва тафаккур, тил ва жамият ўртасидаги муносабатлар, тилнинг жамиятдаги ўрни, тиллар таснифи, тилга хос категорияларни таҳлил қилиш усуллари ва шу каби масалаларни ўрганадиган фандир. “Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги рухий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Она тили миллатнинг руҳидир”². Дарҳақиқат, тил шу тилда гаплашувчи миллат билан тирик, унинг тараққиёти билан бирга ривож топади. Бирор бир тилни ўрганиш орқали биз шу тилда гаплашувчи халқ маданияти, миллий хусусиятларидан, тарихидан хабардор бўламиз. Негаки, ҳар қандай миллатнинг маънавияти, дунёқараши унинг тилида тўла-тўқис акс этади.

Тил ҳам давлат, жамият сингари йилдан-йилга шаклланиб, ўзгариб боради. Айниқса, мамлакатлар ва халқлар орасидаги масофалар қисқариб, миллатлараро алоқалар кучайиб бораётган бугунги глобаллашув замонида тилимиздаги ривожланишлар жараёни ҳам жадаллашиб бормоқда.

Ўзбек халқи мустақилликка эришгач, миллатимиз рамзларидан бири ҳисобланган ўзбек тилига эътибор янада кучайди. Бугунга келиб тилшунос олимларимиз адабий тилимиз меъёрлари ва қонуниятларини ўрганишда улкан ютуқларга эришдилар.

Энг муҳими, ўзбек тилини илмий жиҳатдан теран ўрганиш жараёни изчил давом этмоқда.

² Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. –Т.: Ma'naviyat, 2008. 83-bet.

Хар қандай илм-фан ўзининг маълум даражадаги мунозара, муҳокама ва муаммолари билан ўсиб боради.

Бугунги кунда тилшунослигимизда “асарнинг лингвопоэтик таҳлили” атамаси кўп учрамоқда. Шундай экан, бадиий асар тилини тадқиқ этиш филологлар олдида турган муҳим ҳамда долзарб масалалардан биридир.

Бадиий асар тилини ўрганиш масаласи доимий равишда тадқиқотчиларни қизиқтириб келган, уларнинг истак-интилишларининг узвий қисмига айланиб қолган. Бундай қарашлар бадиий адабиётда, инсон камолотида, унинг маънавиятида бадиий тилнинг янада қадрланиб бориши зарурат эканлигини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам бадиий тилнинг инсон тафаккуридаги эстетик жиҳатини ўрганиш муҳимдир.

Аввало, бадиий асар тили ҳақида фикр юритар эканмиз, шу орқали ҳар бир ижод аҳлининг ҳаёт материалларини қай даражада билиши, қолаверса, ўзбек тили бадиияти имкониятларидан фойдаланган ҳолда асарда уларни таъсирчан қилиб ифодалаб беришига эътибор қаратамиз.

Бадиий асар тилини ўрганиш ўзига хос йўналишга ҳам эгадир. Бунинг сабаби бадиий тил имконияти доирасининг кенглиги, унинг бошқа нутқ турларидан ажралиб туришидир. Шунинг учун ҳам бадиий тил элементлари ҳар бир асарнинг ўзига хос тарзда жозибадор ва оҳангдор, шу билан бирга, таъсирчанлигини юзага келтиради.

Бадиий асар тилининг ўзига хос хусусиятини белгиловчи омиллардан бири унинг таъсирчанлиги билан боғлиқдир. Бадиий асар тилининг таъсирчан бўлишида тил элементларидан маҳорат билан фойдаланиш муҳимдир. Шу жиҳатдан ҳам шоир ва ёзувчилар тил имкониятларидан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Бу эса ҳар бир асарнинг

бадий жихатдан пишиқ ва мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Бу ўз-ўзидан ҳар бир ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати, унинг ҳар бир сўздан унумли фойдаланиш даражасини белгилайди.

Бадий асар тилининг таъсирчан бўлишида ҳар бир тил элементи воқеа-ҳодисаларни ёритишда, характерларни очишда ўта образли тус бера олади. Шу жихатдан ҳар бир ижодкор ўз асари тилининг бойиб бориши учун ҳаёт материалларидан тўла-тўқис фойдаланади ҳамда ҳаётий масалаларни ёритишда бадий тилнинг ифода воситаларини ўз ўрнида тўғри қўллай билишга ҳаракат қилади. Бу хусусда тилшунос Э.Қиличев “Умумхалқ тилидан ажралган бадий тил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ижодкорлар асар ёзиш жараёнида умумхалқ тилидан маълум сўзларни танлаб олиб, унга сайқал бериб қўллайдилар,” деб таъкидлайди.¹

Демак, ҳар қандай ижодкор бадий тилни шакллантириш учун умумхалқ тилининг у ёки бу кўринишларидан фойдаланиши лозим. Албатта, умумхалқ тили бадий нутқнинг кенг қамровли нутқ сифатида шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди.

Бадий асар тилини ўрганишда тил масалаларини адабиёт муаммоларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш лозим. Шунинг учун ҳам, бундай масалаларга филологик нуқтаи назардан ёндашиб, асардаги тил шакллари ҳақида фикр билдиришда унинг бадий функциясини ҳам очиб беришни назарда тутмоқ лозим бўлади.

Ижодкор бадий асар тилини ўтмиш ҳаёти билан боғлаб, ҳар бир миллий адабий тилнинг тараққиёт қонуниятларини белгилаб беради ва унинг тил тизимини, тил қурилиши даражасини ўрганишга имконият яратади. Бадий асар тилидаги ҳар бир сўзнинг

¹ Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкнт. 1985, 53-бет

салмоқдорлиги адабий тил тараққиётига жиддий таъсир этишини назарда тутсак, бу ўз-ўзидан бадиий асар тилига бефарқ қараб бўлмаслигини тасдиқлайди. Чунки жонли сўзлашув тили, халқ оғзаки ижоди намуналари бадиий асар тилининг таъсирчан бўлишини таъминловчи манбалардан ҳисобланади.

Ўзбек адабий тилининг ривожланишида Ойбек асарларининг тили алоҳида ўрин тутади. 1932-йилдан бошлаб дoston жанрида қалам тебрата бошлаган Ойбек кейинчалик бу борада ўзбек адабиётининг энг етук вакилига айланиб қолди. “Дилбар – давр қизи”(1932) адибнинг илк достони бўлса, ундан сўнг шу жанрдаги “Ўч”, “Бахтигул ва Соғиндиқ”, “Навоий”, “Қизлар”, “Даврим жароҳати” каби асарларни яратди.³ Ойбек дostonлари тили ниҳоятда таъсирчан бўлиб, уларни ўрганиш жуда муҳим деб ҳисоблаймиз.

³ www.ziyouz.com.

БИРИНЧИ БОБ

Ойбек дostonларининг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари

1.1. Фонетик хусусиятлари.

Фонетика бирор тилдаги нутқ товушларини, унли ва ундошларни, уларнинг пайдо бўлиш, ривожланиш қонуниятларини, бир-биридан фарқларини ўрганади, комбинатор, позицион ўзгаришлар ва уларнинг вариантлари ҳақида баҳс юритади.

Фонетик сатҳ нутқ товушларини ўрганувчи соҳа бўлиши пировардида нутқ товушлари нутқнинг ҳосил бўлишида энг муҳим бирлик бўлгани боис, матнни таҳлил этишда муҳим ўрин тутати.

Тил бирликларидан нутқда фойдаланиш услубият деб аталади. “Бадиий нутқда тил меъёрининг услубий хусусиятларига мақсадли муурожаат қилинади. Меъёрга нисбатан ҳар бир чекиниш “қонунийлашган” ҳолда пайдо бўлади, чунки тил бирликлари эстетик мазмунни, образлиликни шакллантирувчи воситалардандир. Фақатгина бадиий асар матнида экспрессивликни ифодалаш мақсади ва ундан кутиладиган натижа мувофиқ келади. Бадиий услуб шу жиҳатдан ҳамда матн тузилишида нутқ шахсининг акс топиш жиҳатига кўра бошқа услублардан кескин фарқ қилади. Бадиий нутқ шахсий образли нутқий фаолиятнинг умумадабий тил меъёрлари билан бир бутун тарзда бирикиши натижасида вужудга келади. Бунда луғавий ва грамматик бирликлар, синтактик қолиплар танлови онгли равишда, меъёрга мос

ҳолда амалга оширилади. Ҳатто, меъёрдан чекинишлар аниқ бадиий мақсад йўлида, чекиниш натижаларини англаган ҳолда юзага келади.

Ёзувчининг борлиқни образли, юқори даражадаги ҳис – туйғу, экспрессия, ғоя асосида кўриши, ўзлаштириши рецептив, яъни идрок этиш истеъдоди намунасидир. Ўзлаштирилган борлиқнинг барча муҳим томонларини моҳирлик билан, эстетик завқ билан махсус шаклда қайта ифодалаш, баён қилиш ҳамда уни ўзгаларга етказиш истеъдоднинг яратиш ёки қайта яратиш имконияти юқори эканлигидан гувоҳлик беради. Ёзувчи бундай яратиш фаолиятида тилнинг бадиийликни ифодалаш имкониятларидан моҳирона фойдаланади”.⁴

Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш лозим. Уларнинг асосий фарқланувчи жиҳати тил бирликларининг чегараланганлиги ва такрорланмаслиги, нутқ бирликларининг эса, аксинча, чегараланмаганлиги ва такрор қўлланишидадир.

Фонетик стилистика товушларнинг бир-бирига боғланишидаги экспрессив-стилистик имкониятларни, ҳулас, нутқ товушларининг тилнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қила олиш усуллари ва қонуниятларини ўрганади.

Нутқни оҳангдор қилишнинг хилма-хил шакл ва усуллари ўз табиати ва моҳияти билан асосан шеърий нутққа хосдир¹.

Тил бирликларининг услубий хосланиши ўз навбатида нутққа ҳам таъсир ўтказади – нутқ ҳам услубий хосланишларга эга бўлади.

Маълумки, тил бирликлари асосан бешта услубга хосланади. Тил услублари ичида сўзлашув услуби ва бадиий услуб кенг

⁴ Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. Фил.фан.ном. ...дис.автореф. – Самарқанд, 2004. Б.7.

¹ Халилова М. Ўзбек тили стилистикаси асослари. Фарғона, 2010. 10-бет

кўламда ишлатилиши, кўп қўлланиши, бадиий восита, кўчим ва қўшимча маъно англатиш ҳолатларининг кўп учраши билан қолган нутқ услубларидан ажралиб туради. Айниқса, бадиий услубда тилнинг имконият доираси охирги нуқтасигача очиб берилади. Бадиий адабиёт намуналари ичида дostonлар тили алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, айниқса, дostonлар нозик туйғуларни гўзал тарзда ифодалаш вазифасини бажариш орқали тилга турли талаблар қўяди ва унинг бор имкониятларини очиб беради. Ойбек дostonлари ҳам ўзбек тилининг бой имкониятлари, гўзал бадиий кўринишларини намоён этувчи ифода воситаларига эга.

Фонетика тилшуносликнинг товуш масалалари билан боғлиқ томонларини ўрганувчи соҳасидир. Бадиий асар тилини таҳлил этишда, кўпинча, фонетик сатҳ бирликларини ўрганишга эътибор берилмайди. Фонетик бирликларнинг лексик ёки грамматик бирликлар сингари маъно ва мазмун англата олмаслиги бунга сабаб бўлса керак. Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, фонетик сатҳ бирликлари ҳам тилнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида сақлаб, намоён этиб келади, шу сабабли бадиий асар тилини таҳлил этишда фонетик сатҳ бирликларини алоҳида олиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда тилшунос олима, филология фанлари номзоди Г. Рихсиеванинг лингвопоэтик тадқиқотнинг айрим йўналишлари бўйича билдирган фикрлари эътиборга лойиқ. Олима бадиий тилнинг фонетик томонларини ўрганувчи йўналишни “поэтик фонетика” деб номлайди ва “бунда бадиийликни таъминловчи унсурлар сифатида товушлар тадқиқ этилади. Яъни услубни яратишда ўзига хос товуш ўзгаришлари, урғунинг берилиши, уларнинг ўқувчи тасаввурига таъсири ва бошқа омиллар эътиборга олинади.

Масалан, дostonларда вазн талабига кўра товуш туширилиши, товуш орттирилиши, товушларнинг ўрин алмашиши кабилар” шулар жумласидандир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, товушлар ҳам бадий тилни шакллантиришда ўзига хос ўрин тутди ва шу билан бирга, ўзининг баъзи белгиларини ҳам намоён этиб келади. Шундай белгилардан бири уларнинг адабий тил шаклларида фарқли, халқ тили шаклида ёки сўзлашув услубига хосланган шаклда қўлланишидир. Аслида оғзаки нутқ шакли сўзлашув тилининг белгиларидан бири ҳисобланади. Бадий адабиёт тилининг ривожланишида эса айнан оғзаки адабиётнинг – оғзаки нутқнинг ўрни бекиёсдир. Яъни бадий адабиёт оғзаки нутқ шакллари асосида ривожланган. Шу сабабли ҳам бадий адабиёт тилини тадқиқ этишда ундаги оғзаки нутққа хос белгиларни таҳлил қилиш, уларнинг бадий тил яратишдаги аҳамиятини очиш зарурий масала сифатида майдонга келади. Ойбек дostonлари тилида оғзаки нутққа хос фонетик шаклларни жуда кўп учратиш мумкин.

Масалан, *Дув туришар ҳаяжон била*

Нашъа ўти кўзларда чоқин

(„Қизлар,,)

Келтирган мисолимиздаги „чоқин,, сўзи таркибида “а” товуши ўрнида “о” товуши қўлланган. Бу ҳолат оғзаки нутққа хос бўлиб, бадий тил учун адабий меъёرنинг бузилиши ҳисобланади. Бу ўринда айнан шу сўз халқ тилининг сўзлашув услубига хос бўлгани сабабли ҳам, шоир ундан ўз ҳолича адабий меъёрга келтирмасдан фойдаланганки, бу билан шоир оғзаки нутқ шакли билан бадий асар мазмунини бойитишга, бадийликни оширишга эришган. Айнан шу ҳолат адабий тил меъёрига мосланган ҳолда “чақин” шаклида қўлланганда,

бу адабий тил шаклларида танлаб олинган бирлик бўлиб, ундаги ўхшатишлик ҳолати, халқ тилида шу ҳолда тасвирлаш мавжудлиги назарда тутилгани сезилмай қоларди, шоир айнан шу мазмунни сақлаб қолиш мақсадида сўзни ана шундай ҳолда қўллаган.

Баъзан шеърӣ матнларда вазн талаби билан товушларнинг тушиб қолиши кузатилади. Унли товушнинг тушириб қолдирилиши, одатда, достон мисраларидаги бўғинлар сонининг тенглиги учун ҳам хизмат қилади. Масалан,

Қани, ўтиринг, ҳофиз, қилайлик бир машқ

- *Ишдан қочиб?-*

Иш унар қувнатсак

элни

Товшингиз асл, Булбул арзир қилса раишк!

(“Ҳамза”)

Ушбу келтирган мисолимизда “товушингиз” сўзи товуш тушиш ходисасига учраган ва “товшингиз” шаклида қўлланган. Бадиий услубда достон матни таркибида ишлатилиб, бадиий матнни оғзаки нутқ шаклига яқинлаштириши билан бирга, сўзловчи руҳияти, муносабатини ҳам маълум маънода ифода этган. Бу ўринда товуш тушиши ҳолати сўзга хос янгилик бўёғини, халқ тилида унинг қўлланиш шаклини ҳам кўрсатиб келган.

Баъзи ҳолларда ундош товушлар ҳам муаллиф томонидан атайлаб ўзгартирилиши ёки маълум бир мақсадда сўзнинг фонетик структураси бутунлай ўзгартириб қўлланиши ҳам, тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу ҳам маълум маънода фонетик жиҳатдан оҳангдорлик, равонликнинг бирмунча ошишига олиб келади.

Масалан, *Инголайди гоҳо чақалоқ,*

Ухлай олмас она кўксида,

Кун ва тундек севинчу фироқ

Аскар ўғил,аскар эр сари

(“Қизлар”,)

Келтирган мисолимиздаги “*инғолайди*” сўзининг фонетик структураси анчагина ўзгартириб юборилган. Аслида ушбу сўзнинг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги шакли “*ингалайди*” шаклида бўлиб, бу сўз таркибидаги “г” ва “а” товушлари мисралардаги оҳангдорликни ва мусиқийликни таъминлаш мақсадида “ғ” ва “о” товушларига алмаштирилган. Бундай ҳолатларни Ойбек достонларида кўплаб учратишимиз мумкин.

Ойбек достонларида товушларни иккилантириш (геминация) ҳодисаси ҳам жуда кўплаб учрайди. Муаллиф томонидан товушларнинг иккилантирилиши тасодифий ҳол бўлмай, пухта ўйланган ва онгли равишда қўлланилган стилистик усул ҳисобланади.

Масалан, Тўлқинлар сапчийди қирғоқлар сари,

Шуъла ёмғирига чўмилиб, ёниб

Япроқлар шундайин товланадики

Қўйнидан шаббода кетолмас қочиб.

(“Ўч”)

Юқорида келтирилган мисолдаги *шаббода* сўзи фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Товуш тушиши ҳодисаси ҳам Ойбек достонларида жуда кўп учрайди:

Масалан,

Тун-кун Бахтигул қамоқда қолди.

Бойидан ўзга киролмас ҳечким,

Эркин қанотлар тош бойлаб олди,

Рух кишан кийди,инграр юрак жим.

Бу шеърӣй парчада *киролмас(кира олмас)* тарзида товуш тушиш ҳодисасидан фойдаланилган ва бадийликни ифодалашда бу ҳолат ҳам халқ тилига, оғзаки нутққа яқинлик касб этади. Бундан ташқари, мисралардаги вазн ўлчовининг бузилмаслиги учун ҳам хизмат қилган.

1.2. Морфологик хусусиятлари

Морфемик сатҳ бирликларининг қўлланишида ҳам ўзига хос белгилар мавжудки, улар ўз навбатида нутққа ҳам таъсир этиб, шу белгилар орқали маълум хусусиятларни кўрсатиш мумкин бўлади.

Бадий асар тилини текширганда, у ёки бу ёзувчининг умумхалқ тилининг грамматик қонун-қоидаларига қанчалик риоя қилганлиги, уни қанчалик тўғри ишлатганлиги масаласига ҳам махсус эътибор бериш керак.

Шеърый матнда морфем бирликлар вазн талаби ёки бошқа мақсадларда одатдагидан ўзгача, ўзгарган ҳолда қўлланиши мумкин. Бунда ижодкор маҳорати, тил имкониятларини яхши билиши ва қўллай олиши, халқ тили билан яқин муносабатдалиги муҳим ўрин тутди.

Ойбек дostonлари морфемик таҳлил қилинганда кўпинча одатий ҳолатлардан четлашилмагани, морфем бўлаклари қўллашда меъерий талабларга риоя қилинганининг гувоҳи бўламиз. Лекин бир ҳолат борки, Ойбек, айниқса, ижодининг илк даврларида ёзган баъзи дostonларида бу ҳолатдан бир неча бор фойдаланган.

Кесим вазифасини бажариб келган феълларда кўпинча замон муносабатини, шахс-сон маъносини ифода этувчи қисмлар тушириб қолдирилган ҳолда қўлланган. Бундай қўлланишлар дostonнинг ифода мазмунига кучли таъсир этмаган, балки нутқда оғзаки шаклга хослик белгиларини кўрсатган ва шу орқали унинг бадий қимматини ҳам оширган. Масалан:

Холхўжа ёшликда ота-онадан

Айрилиб кўчада қолмишиди ёлғиз

Ҳаётнинг даҳшатли тўлқини ҳардам

Урарди етимни жуда омонсиз.

(“Ўч”)

Келтирилган мисолдаги “қолмишди” сўзидаги қўшимчалар ўз ифодасида бироз эскирганлик билан бирга қўлланиш доираси торайганлик ҳамда халқ оғзаки нутқига яқинлик касб этади.

Шоир дostonлари тилида қўлланган баъзи морфологик кўрсаткичлар ҳам халқ тилига хос шаклларда берилган бўлиб, бунда морфологик сатҳ бирликлари воситасида асарнинг бадий ифодаси, халқ тилига хос белгилари очилган.

Масалан,

Фаргона. Олтин селдай тошаётир ёз

Дарахтлар кўк булутни йўлларга сизмас.

“Виллис” шўнғир қўнғиздай кўм-кўк мавжоро

Ёз тўйини бошлаган қуёш серзавқ, маст.

(“Ҳамза”)

Ҳар ёқда қувноқ ёшлар беҳисоб,

Девор орасидан чиққундайин қиз,

Юлдузланар кўзлари, қўлларда китоб,

Илму маърифатга элтади ёлғиз.

(“Ҳамза”)

Келтирилган мисоллардаги “тошаётир”, “чиққундайин”, каби бирликларнинг морфологик шаклланишида халқ тилида қўлланувчи шаклларга хослик, ўхшашлик, айнанлик сезилиб туради. Бу мосликлар асосида шоир матн тилини халқ тилига яқинлаштиришга, унда халқ тилига хос руҳни жонлантиришга эришган.

Асар тилида оғзаки нутққа хос шаклларни қўллаш орқали адиб ўз нутқининг халқ тили шаклига яқинлашишини ва мазмуни тушунарли ҳамда ўқувчига таниш бўлишини таъминлайди. Масалан,

Чирмандалар этоврар гижбанг,

Мисрасидаги “*этоврар*” сўз шакли ҳам асосан оғзаки нутққа хос бўлиб, шоир бу шаклларни қўллаш орқали асар тилининг содда, равон ва ўқувчига тушунарли бўлишини кўрсата олган.

Поэтик нутқда морфемик бирликларнинг қўлланиши бадиий тилнинг ўзига хос томонларини ўрганишда муҳим бўлиб, ижодкор тилида морфем бирликларнинг ишлатилиши у яшаган давр, муҳит ва ундаги ўзгаришлар билан бевосита алоқада бўлишини асослаб беради.

1.3 Лексик хусусиятлари.

Тилнинг лексик қатлами унинг бирликларини таҳлил этишда энг муҳим бўғин ҳисобланади. Луғавий маъно ифодаловчи бирликлар ўзаро турли жиҳатларига кўра тасниф этилиши, ўрганилиши мумкин. Тилнинг асосий вазифаси ахборот бериш бўлса, нутқнинг бадиий услубида ана шу ахборот таъсирли, образли тарзда ўқувчига етказиб берилади. Буни амалга ошириш учун бадиий услубда тилнинг турли воситаларидан хоҳлаганча, кенг фойдаланилади.

Ойбек ўз достонларида луғавий полисемик бирликлардан унумли ва моҳирона фойдаланган. Зеро, ҳар қандай бадиий асар тилини бундай бирликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Биз қуйида Ойбек достонларида қўлланилган ана шундай бирликлар ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Маълумки, сўз шакл ва мазмун яхлитлигига эга бўлиб, маъно ва грамматик жиҳатдан шаклланган бўлади. Сўзнинг шакли, яъни ташқи томони товушлардан иборат бўлиб, бу хусусиятлари фонетикада ўрганилади. Сўзнинг ички томони эса унда ифодаланган маънолар билан тавсифланади. Сўзлар бир маъноли ёки кўп маъноли бўлиши мумкин:

А) бир маъноли сўзлар: аниқ маънони ифодаладиган сўзлар бир маъноли сўзлар дейилади. Бир маъноли сўзлар илмий тилда моносемантик сўзлар деб юритилади. М: *китоб, ўн, Фарғона*.

Б) кўп маъноли сўзлар: нутқий жараёнда икки ёки ундан ортиқ маънода қўлланувчи сўзларга кўп маъноли сўзлар дейилади. Кўп маъноли сўзлар ўз маъносидан ташқари бир неча кўчма маънога эга бўлади. Кўп

маъноли сўзлар илмий тилда полесемантик сўзлар дейилади. М: *ишнинг кўзи, узукнинг кўзи, булоқнинг кўзи*.

Полисемантик сўз қанча маънога эга бўлмасин, бу маънолар ўзаро боғланган бўлади. Худди шу хусусият кўп маъноли сўзни омонимлардан фарқлайди. Омонимлар бир хил товуш қобиғига эга бўлган бирдан ортик сўзлардир. Омонимлар бошқа-бошқа сўзлар бўлганидан, уларнинг маънолари ўртасида боғланиш ҳам бўлмайди.

Тил ҳодисаси сифатида моносемиянинг эмас, балки полисемиянинг ўрганилиши кўпроқ назарий ва амалий аҳамият касб этади. Умуман, истеъмолдаги сўзларнинг асосий қисми кўп маънолидир.

Бир сўзнинг янги бир нарса, белги, ҳаракат кабиларнинг атамасига айланишининг, яъни ном кўчиши натижасида янги маъно ҳосил бўлишининг маълум асос ва усуллари бор. Булар қуйидагилар:

- 1.Метафора
- 2.Метонимия
- 3.Синекдоха
- 4.Вазифадошлик

1.Метафора ва ўхшатишда икки предмет ёки ҳодиса маълум бир белги асосида бир-бирига қиёсланади. Аммо ўхшатишда қиёсланаётган нарса ва ҳодисалар лексик бирликлар билан ифодаланиб, сўзлар ўз маъносида қўлланади. Яъни ўхшатиш-ўхшатувчи объект, ўхшовчи образ ва ўхшатма белгидан иборат бўлиб, уч компонентли бўлади. Метафора эса фақат ўхшовчи образнинг ўзидан таркиб топади ва ўхшатиловчи объект ўхшатма белгини ўзида кўчма маънода англата олади. “Метафоралар сўзларнинг фигурал маъноси асосида яратилади ва метафорик қўлланган сўз эса

предмет, белги ёки ҳаракат билан ўзининг номинатив маъноси орқали боғланади”⁵. Масалан:

Ёшлик ўти қонда югурар.

Қорда кавуш, ҳавода рўмол,

Ўйин қизир...

Шунда кирар чол.

(“Қизлар”)

Келтирган мисолимиздаги “*ёшлик ўти*” бирикмасидаги *ўт* сўзи метафора бўлиб, бу сўз ўзида шўхлик, қайноқлик, жўшқинлик маъноларини ифода этган.

Лингвистик метафоралар. Миллий тилнинг лексик системасида қатъий ўрнашиб қолган ва луғатларида қайд этиладиган сўз ўхшатиш асосида иккинчи бир предметнинг номини ҳам ифодалайди. Бундай сўзлар полисемантик характерга эгадир. Масалан: *дарёнинг этаги, мактабнинг биқини, боши, этаги, уламоқ* сўзлари кўчма маънода қўлланади ва иккинчи бир предметни номлаш учун ишлатилади. Лингвистик метафораларда стилистик бўёқ, эмоционал-экспрессивлик, бирор нутқ турига ёки бирор муаллифнинг индивидуал услубига хослик каби хусусиятлар бўлмайди. Бундай метафоралар миллий тилда гапирувчилар учун тенг хизмат қилади. Функционал стиллар нуктаи назаридан улар бадий, илмий, расмий ва жонли сўзлашув нутқларида баробар ишлатилаверади. Чунки бундай метафоралар тил бирлиги саналади. Демак, ўхшатиш асосида юзага келган лингвистик метафораларда сўзларнинг маъно доираси кенгаяди, янги тушунчаларни аташ учун хизмат қилади ва тилнинг луғат таркибини янада бойитади.

⁵ Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т., 1983, 24-б.

Бадий метадоралар нутқий қўлланишга хос бўлиб, уларда стилистик бўёк, семантик оттенка, эмоционал-экспрессивлик кучли бўлади. Бундай метадоралар миллий тилларнинг луғат таркибида берилмайди, балки бирор муаллифнинг индивидуал услубига хослиги билан ажралиб туради. “Метадоралар, аслида номи йўқ бўлган нарсa – тасаввурларга ном бериш, уларни аташнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Аммо шу воситадан фойдаланиш фақат ана шу эҳтиёжгагина боғлиқ эмаслигини, у инсон табиатидаги образли ифодага ўчлик билан алоқадорлигини, номи бор нарсаларни ҳам метафорик йўл билан ифодалашга инсонда ички бир табиий интилиш мавжудлигини мутахассислар алоҳида таъкидлайди”.⁶ Ўхшатиш асосида юзага келган бадий метадораларда кўчма маънода қўлланган сўз бир контекст доирасидагина реаллашади. Агар сўзни контекстан чиқарсак, ўзининг тўғри маъносини англатади. Уларда нарсa ва ҳодисаларнинг англаб олиш қийин бўлган белгилари қиёсланади ҳамда муаллифнинг ижобий ёки салбий муносабати акс этади.

Масалан:

Пешин чоғи чайлада қизлар,

Йиғилишди тонгдаги гуллар.

Кўркам, рангдор, дала-полизлар,

Даласининг эртасин ўйлар.

(“Қизлар”)

Ойбекнинг “Қизлар” достонидан олинган бу шеърий парчада муаллиф қизлар сўзи ўрнига “гуллар” сўзини кўчма маънода қўллаган. Бунда гул сўзидаги гўзаллик, нозиклик белгиларига асосланган ҳолда, сўзнинг ана шу

⁶ Ёўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати. Филол.фан.номзоди...дисс.автореф. –Т., 2000. Б.21

семантик мундарижасидан келиб чиқиб ишлатган. Агар контексдан *гул* сўзини чиқариб олсак, ундаги метафорик муносабат йўқолади.

Метафоралар халқнинг жонли-сўзлашув тилидаги ўхшатишлар бўлиб, улар ёзувчи томонидан ўзгартирилмаган ҳолда бадиий асар тилига олиб кирилади.

Тилда номинатив маъносида табиатан баҳолаш элементи мавжуд бўлган сўзлар борлиги, улар бирор нарса-ҳодисани атабгина қолмай, айти пайтда сўзловчининг ифодаланаётган тушунчага ўз баҳосини, субъектив эмоционал-экспрессив муносабатини ҳам ифодалаши бундай сўзларнинг эмоционал-экспрессив лексик қатламини ташкил этади.¹

Маълум бир семантик гуруҳларга мансуб бўлган сўзларни метафорик қўллаш тилда эмоционал-экспрессив муносабат ифодалашнинг муҳим воситаларидан биридир.

Сўзнинг тузи шу бўлди: пахта!

(“Қизлар”)

Маълумки, маънонинг ўхшашлик тамойили асосида кўчиши метафоранинг муҳим белгисини ташкил этади. Бироқ предмет ёки ҳодисалар орасидаги ташқи ўхшашлик асосида кўчирилган маънолар билан предмет ва унинг ҳаракати номларининг инсонга нисбатан, унинг табиати ва ҳаракатининг белгиларини тасвирлашга мўлжаллаб ишлатилиши (*эшак, ит, тўнғиз, қўчқор, қўзичоқ, бўғалоқ, илон, чаён, лочин, булбул, акилламоқ, вакилламоқ, сайрамоқ* каби сўзларнинг метафорик қўлланиши) натижасида ҳосил бўлувчи маънолар орасида катта фарқ бор. Биринчи ҳолда сўзнинг метафорик қўлланиши борлиқ ҳодисаларининг маълум бир ташқи белги, хусусиятларини образли тасвирлаш тақозоси билан содир бўлган.

¹ Гойипов С. Эмоционал-экспрессив лексик қатлам ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 1976, 5-сон 27-бет.

Образлилик эса ҳар қандай метафорага хосдир. Иккинчи ҳолда эса метафорик қўлланган сўз нутқ муаллифининг тасвирланаётган объектга нисбатан ёрқин субъектив эмоционал-экспрессив муносабатини ифодалайди:

Нетай, Гулшан, даданг ҳиссасин

Бошига олдим. Арслоним қандай

Ғайратлик – ди? Пахтакорди чин!

Ўзинг асра, тангри, қулуним.

(“Қизлар”)

Келтирилган гапда фарзандга нисбатан *арслон*, *қулун* сўзлари қўлланиб, асар таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган.

Тилимизда кишиларинг турли хил белги ва хусусиятларини англатувчи қатор сўзлар амал қилади. Хусусан, унинг ахлоқий, интеллектуал, социал белгаларини, шахсий хусусиятларини англатувчи *ифлос*, *ярамас*, *доно*, *мард*, *жасур*, *ботир*, *сахий* ва шу каби сўзлар юқорида айтилган тематик гуруҳга бирлашадиган сўзлардир. Бу сўзларнинг лексик маъноларида нутқ предмети (кишилар)ни ижобий ёки салбий эмоционал баҳолаш элементлари мавжуд. Бироқ тил бойлигимиздаги бу каби сўзлар сўзловчи назарида унинг эмоционал-экспрессив муносабатини нутқ предметиға нисбатан ўз истаги даражасида ифодалашга ожизлик қилиб қолади. Мана шу нуқсонни бартараф этиш мақсадида, у онгли равишда турли ҳайвонлар, шунингдек, уларнинг хатти-ҳаракатларини англатувчи сўзларни метафорик маънода қўллашга ўтади.

Бу тарзда ишлатилган сўзларнинг қай тарзда эмоционал маъно касб этишини лингвистик таҳлил асосида тушуниш мумкин.

Умуман, кишиларга нисбатан ҳар қандай ном қўчиришлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, эмоционал-экспрессив маънолар ҳосил бўлишиға олиб келади. Бу қоида *латта*, *кесак*, *ошқовоқ*, *сакилламоқ*, *ирилламоқ*, *ҳанграмоқ*,

илон, чаён, қузғун, лочин, қарға, хўроз ва шу каби сўзларнинг метафорик қўлланишида ҳам бир хил кучга эга бўлган қоида сифатида амал қилади.

Сўзнинг метафорик маънода қўлланилаётганини англаб олиш одатда қийинчилик туғдирмайди. Бунинг сабаби шундаки, метафорик маъно касб этган сўз қўлланадиган лексик қуршов (контекст) бу сўзнинг номинатив маънода қўлланиши мумкин бўлган контекстдан фарқ қилади.

Масалан:

*Ҳақни талаб золимда роҳат,
Сарой тўла илон, чаёнлар.
Улусни ким этар бахтиёр?
Маст, бепарво тахтда ҳукмдор*
(“Навоий”)

мисолидаги “*илон, чаёнлар*” сўзларининг номинатив (аташ) маъносида келтирилган контекстда қўлланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ўринда саройга ин қуриб олган золим амалдорлар маъноси фақат шу мисралардагина юзага чиқади. Агар бу сўзларни мисралардан ажратиб олсак, газандаларнинг турлари маъноси англашилади холос.

2. Бир нарсa, белги ёки ҳаракатнинг номи бошқа бир нарсага ўхшашлик асосида эмас, балки ўзарo боғлиқлик асосида, ўзарo алоқадорлик асосида кўчирилиши метонимия (юнонча – қайта номлаш) йўли билан кўчириш дейилади.

Метонимия усулида маъно кўчишида аниқланмиш, кўпинча от билан ифодаланади. Бу усулда маъно кўчишида предмет ёки ҳодисанинг ички ёки ташқи белгилари орасидаги ўхшашлик эмас, балки икки тушунчанинг ўзарo боғлиқлиги, бир-бирига алоқадорлиги асос бўлади.

Қанча жабр кўрган Хуросон,

Авжга чиққан зулмдан фигон.

Шаҳзодалар бир-бирига ёв,

Бир-биридан ортиқ, эл талов.

(“Навоий”)

Ушбу мисолдаги “Хуросон” сўзи метонимияга учраган, бу ўринда Хуросон давлати эмас, балки шу сўз орқали Хуросон давлатида яшовчи халқ назарда тутилмоқда. Қуйидаги мисолда ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин:

Шоир отда борар шоҳ сари,

Ҳирот яшар ҳар кунги каби.

(“Навоий”)

Асар ва унинг номи ўртасидаги боғлиқлик асосида ҳам кўчим ҳосил бўлиши мумкин. Масалан:

Ҳаво илиқ ва шундай равшан, -

Кўзни ёшлар сувнинг ойнаси.

Кўчаларда, томларда энг шан

Янграб “Лайлак келди” нашъаси.

(“Қизлар”)

Қуйидаги гапда ҳам “юз” сўзи орқали метонимия ҳодисаси юзага чиққан:

Ҳамиша бир, ҳамиша иноқ.

Ўртада зўр лампа, бешови

Пахта чувир. “Юз”га бор андак.

Қанор – қанор шипгача кўсак.

(“Қизлар”)

3. Бир предметнинг номи бошқа бир предметга қисм билан бутун муносабати асосида кўчирилиши синекдоха (юнонча – назарда тутиш) йўли

билан кўчириш дейилади. Айрим адабиётларда синекдоха йўли билан кўчириш метонимия йўли билан кўчиришнинг бир кўриниши деб юритилади. “Баъзи адабиётларда метафоранинг бир тури сифатида эътироф этилган синекдоха ҳодисаси, асли метонимиянинг бир кўринишидир. Чунки унда ҳам метафорадан фарқли равишда ўхшашликдан кўра боғлиқлик, алоқадорлик жиҳатлари устун”.⁷ Синекдоха йўли билан кўчиришнинг ўзига хос хусусияти унинг миқдор белгига асосланишидир.

А) бир нарсанинг номи сифатида унга хос бирор қисмнинг номи ишлатилади (қисм орқали бутун англашилади): *туёқ* – қисм - бутун: *Баҳона билан туёққа эга бўлиб қолди. Тирноқ* – қисм - бутун: *Дунёда тирноққа зор одамлар бор*. Масалан:

Доно кўзлар ёш тўкар юм – юм.

“Қизлар” достонидан олинган юқоридаги парчада қисм (кўзлар) бутун (инсон) номини ифодалаш учун қўлланган.

Намозда ҳам эс туёқ сониди,

Бахт берибди, дер қўй қумалогин!

Зарини тўкар оч ҳам ёнига,

Қозоқ даласи, қирғизлар тоғи...

(“Бахтигул ва Согиндиқ”)

Ушбу келтирган мисолимизда ҳам “*туёқ*” сўзи орқали *қўй-қўзи, қора мол, эчки-улоқ* маънолари ифода этилган.

Б) бир предметнинг номи сифатида шу предметни ҳам ўз ичига олган бутуннинг номи ишлатилади (бутун орқали қисм англашилади): *бош* (бутун) – *бош* (қисм – “бошнинг устки қисми”: “*дўппи бошимга тор келди*”), *қўл*

⁷ Муҳаммаджонова Г. 80-90-йиллар охири ўзбек шеърининг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан.номзоди ..дисс.автореф. –Т., 2004. Б.19

(бутун)- *қўл* (қисм-“бармоқ”: *беш қўл баробар эмас*), *панжа* (қисм-“бармоқлар”: “*Беш панжангни оғзингга тиқма*”), *ош* (умуман овқат)-*ош* (палов) каби.

Филологик луғатларда сўзларнинг маъно хусусиятларини очиб бериш, маъноларни чегаралаш анча мураккаб масаладир. Луғатчи картотека материаллари асосида иш кўрар экан, ҳар бир сўзнинг хилма-хил лексик куршов доирасида ўзаро муносабатга киришувини таҳлил қилади, унинг матн, нутқ жараёни талабига кўра, тил қонуниятлари асосида тушунча ифодалаш хусусиятларини аниқлайди, маъно нозиклиги ва қўлланиш ҳолатларини фарқлаган ҳолда уларга лексикографик тавсиф беради.

Маълумки, маъно кўчиришда метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлик ҳодисалари муҳим роль ўйнайди. Демак, луғат тузиш жараёнида, хусусан маъноларни чегаралашда ҳам мазкур ҳодисаларга суяниб иш кўриш ижобий натижалар бериши мумкин. Ўзбек тилида синекдоха ҳодисаси туфайли кўп маъноли сўзларнинг юзага келиши кенг тарқалган. У турли қатламга доир қатор сўзлар доирасида юз беради. Мазкур ўринда биз синекдоха йўли билан маъно кўчишининг барча усуллари ҳақида эмас, асосан ўсимлик номлари ва уларнинг меваси (ҳосили) ўртасидаги муносабат ҳақида тўхталмоқчимиз.

Туркий тилларда, жумладан ўзбек тилида ҳам, одатда, мевали дарахт ҳамда турли хил резавор ўсимликлар ҳамда уларнинг меваси ёки ҳосилини ифодалаш учун бир хил ном қўлланилади. Масалан, *шафтоли* атамаси билан ҳам унинг меваси, ҳам дарахти тушунилади.

Ойбек ўзининг “Қизлар” достонида *пахта* сўзини қўллаган ҳолда, пахта ҳосилини берувчи ўсимлик (ғўза)ни назарда тутган. Масалан:

Най қиб жилдир-жилдир сугорсак,

Катталардай уфлаб Гулиан дер:

- “Бобом деди кўрган замоноқ,

Унниқибди пахтанг, тез сув бер...

Шунингдек, *картошка, карам, сабзи, бугдой, сули* каби сўзлардан ҳам мазкур ўсимлик номи билан бирга уларнинг меваси (ёки ғалласи) ҳам айнан тушунилаверади. Дарахт ва ўсимлик билан унинг ҳосилини ифодаловчи сўзларда бир предметнинг номи иккинчисига кўчганлигига ва бошқа-бошқа тушунча ифодалашига қарамай, бу икки нарса ўртасида маъновий муносабат, алоқа жуда зичдир.

4. Бирор нарсанинг номини бошқасига улар бажарган вазифасидаги ўхшашлик асосида кўчирилиши функционал кўчириш дейилади. Функционал кўчириш ҳам ўхшашлик асосида бўлади. Бу жиҳатдан у метафора йўли билан кўчиришга жуда яқин туради. Фарқ шундаки, метафора йўли билан кўчиришда предметлар орасидаги ташки кўриниш жиҳатидан, материал жиҳатидан ўхшашлик асос сифатида олинса, функционал кўчиришда вазифа жиҳатидан ўхшашлик назарда тutilади. Масалан, қуш танасидаги учиш учун хизмат қилувчи аъзо қанот дейилади. Шунга ўхшаш вазифани бажарувчи қисм самолётга нисбатан ҳам қанот деб аталади.

Шунингдек, илгарилари *кўмир* лексемаси кўмиб ёндириш усули билан “ўтиндан тайёрланган ёқилғи” маъносини англатар эди. Ҳозир эса “ер қатламида табиий йўл билан ҳосил бўлган каттиқ ва қора ёқилғи” маъносига кўчди. Энди у икки маънодан асосан кейингисида кўп учрайди. Юқоридаги ёқилғининг икки турини фарқлаш лозим бўлиб қолса, булар сифатловчи келтириш йўли билан фарқланади: *пистакўмир, тошкўмир* каби.

Функционал кўчиришда кўпинча шаклий ўхшашлик ҳам қатнашади. Масалан, юқорида келтирилган *қанот* лексемасида шакл жиҳатдан, *кўмир* лексемасида ранг жиҳатидан, *сиёҳ* лексемасида ҳолат (суюқ) жиҳатдан

ўхшашлик ҳам бор. Шу сабабли ҳам бу кўчиришларни функционал-метафорик кўчириш деб баҳолаш мумкин.

Масалан:

Гулишан кўзи тиниқ самода,

Аэраплан тинч учиб борар.

Қанотида элу юрт кори,

Қизда шодлик бирдан тўлғонар...

(“Қизлар”)

Бадий тилнинг бойиб бориши ва унинг тараққий этишида оғзаки нутққа хос лексемаларнинг аҳамияти катта. Зеро, оғзаки нутқ лексикаси бадий асар тилининг шундай кўринишики, у ҳар қандай асарнинг бадий – эстетик таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Айни чоғда, оғзаки нутққа хос луғавий воситалар бадий тилнинг таъсирчан, жозибадор бўлишини ҳам таъминлайди. Аниқроғи, оғзаки нутққа хос луғавий воситалар бадий адабиёт тилининг бой манбаларидан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай ижод маҳсулида халқ оғзаки нутқининг ҳиссаси бўлиб, нутқ тури барча тил шакллариининг тараққий топиши учун асос бўлади. Оғзаки нутққа хос лексик бирликларни қўллашда ижодкор маълум мақсадни назарда тутди: тушунчани ўқувчига осонроқ етказиш, воқеликни ўз ҳолатида ифодалаш, қаҳрамон характериини очиб бериш каби. Ижодкор ўз мақсадини амалга ошириш билан бир қаторда, оғзаки нутқ бирликларининг аҳамиятини очиб беради.

Ойбек дostonларида қўлланган лексик бирликлар орасида оғзаки нутқ шаклига хос бўлган баъзи ҳолатлар учрайди. Шоир ўзбек халқи оғзаки ижодини, жонли халқ тилини яхши билгани, етарли малака ва

махоратга эга бўлгани сабабли, лексик бирликлардан ўринли ва мақсадли фойдалана олган дейиш мумкин.

Юқоридаги мисоллар тасдиқлайдики, шоир тилида оғзаки нутққа хос бўлган лексик бирликлар жуда кўп қўлланган ва бу ҳолат дostonларнинг самимий ва дилкаш, халқ юрагига яқин ва севимли бўлишини таъминлаган. Мисолларда кўриб ўтилган “офтоб” сўзи асосан сўзлашув нутқида қўлланиб, жонли халқ тилига хос лексик бирлик саналади; бадий тилда, кўпинча, бу маънони ифодалаш учун, “қуёш” сўзидан фойдаланилади. Пайт маъносини ифодалаган “ҳали-бери” сўзининг ўрнида бадий услубда, одатда, “ҳануз”, “ҳанузгача”, “ҳамон” каби сўзлар ишлатилади.

Кампирлар дер эди “Эна хотин бу”

Қўрслар пўнғилларди “Ўлсин, қақилдоқ”

Асло қўнмас эди кўзига уйқу,

Довушин бир топқир эшитса бўйдоқ.

(“Ўч”)

Мисолларда келтирилган “эна хотин” бирикмасида, “қақилдоқ”, “пўнғилларди”, “довушин” лексик бирликлари қўлланишида халқ тили, оғзаки нутқ қатламига оид сўзлардан фойдаланилган ва мазмунни ойдинроқ ифода этиш, осонроқ тушунтиришга эришилган, асар тили халқ тилига хос кўшимча маънолар билан бойитилган.

“Маълумки, бадий асарнинг асосий вазифалари қаторига, ахборотни етказиш билан бир қаторда, ўқувчини етказилаётган маълумотга ишонтириш вазифаси ҳам киради. Ишонтиришнинг асосий воситаси фикрни бўёқдор, оҳангдор йўсинда ифодалашдир. Айнан мақол ва фразеологизмлар нутқнинг жозибадор, таъсирчан бўлишини

таъминлайди”⁸. Турғун бирикмалардан иборат бўлган ифода шаклларида оғзаки нутққа хослик янада кучлироқ сезилиб туради. Чунки тил бирликларининг турғун бирикма ҳолатига келиб қолиши нутқий ҳодиса сифатида рўй бериб, асосан, оғзаки шаклда жонли сўзлашувда намоён бўлади ва сўнгра тил ҳодисалари доирасига кириб боради. Шу сабабли турғун бирикмаларда оғзаки нутққа хослик, мавжуд маънони қўшимча оттенкалар билан ифодалаш лексик бирликларга нисбатан ортиқроқ ва кучлироқ бўлади. Ойбек дostonларида турғун бирикмалардан ҳам ўз ўрнида самарали фойдалана олган. Бунда ўзбек халқи менталитетига хос хусусиятлар - жўмардлик, бир сўзлилиқ, меҳрибонлик, мардлик туйғулари сезилиб туради. Айниқса, ватан ҳимояси ҳақида ёзилган “Хат” дostonида бунга мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Дostonда оғзаки нутқ шаклига хос бирликлар, бирикмалар кўплаб қўллангани боис унда ўзбекона рух юқори даражада акс этиб туради.

Бойвучча бека дер ранги ўчиб

- “Оёғи қутли бўлсин илоҳим!”

Бекага боқар Бахтигул, чўчиб

Қадайдиги ерга кўзларини жим.

(“Бахтигул ва Согиндиқ”)

Хизматкорларнинг барида у хор,

Бошида таёқ синар ҳар кун

Унинг-чун ҳар чоқ минг юмуш тайёр,

Қўллари косов, сочлар супурги.

(“Бахтигул ва Согиндиқ”)

⁸ Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. Фил.фан.ном. ...дис.автореф. – Самарқанд, 2004. Б. 12.

*Холхўжа бош яланг ва оёқ яланг,
Юради, шу тобда сиқар кўкрагин,
Ўч туйғуси, ғазаб эзгучи юрт танг,
Кетажасак қайгадир силкиб этагин.
(“Ўч”)*

*Ғазабини темир каби,
Ёлқилланган ўтга суқар.
У билади йигит марди,
Жўжасини кузда санар.
(“Темирчи Жўра”)*

*Қайрағочлар олтинланаркан,
Айланади қизлар далани,
Ерга урса кўкка сапчийди,
Буларга мос мард йигит қани?
(“Қизлар”)*

Ойбек дostonларидан келтирилган ушбу мисолларни таҳлил этиб кўрадиган бўлсак, шоир шеърӣ матнда ўзбекона руҳ яратиш, қаҳрамон тилидан, дилидан айтаётган фикрларнинг халққа яқин, ўқувчига тушунарли бўлишини таъминлаш мақсадида халқ оғзаки нутқида қўлланадиган “*Оёғи қутли бўлсин илоҳим!*”, “*Бошида таёқ синар ҳар кун*”, “*силкиб этагин*”, “*Жўжасини кузда санар*”, “*Ерга урса кўкка сапчийди*” каби турғун иборалар орқали образли ҳолда тингловчига етказди.

Бундан Ойбекнинг фразеологик бирикмалар қўлланишида етарли маҳорат ва уқув эгаси эканини кўришимиз мумкин.

Маълумки, фразеологик бирликлар ифода шакли такомилида оғзаки нутқнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Чунки турғун бирикмалар нутқда тайёр ҳолга келиб, сўнг тилга кириб келади. Улардан фойдаланиш нутққа, матнга оғзаки нутққа хос хусусиятларни сингдиради. Фразеологик бирликлар мазмуни, одатда, бир луғавий маънога тенг бўлади. Фразеологик бирлик тузилишига кўра сўз бирикмасига, гапга тенг, семантик жиҳатдан бир бутун, умумлашган маъно англатадиган, нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритиладиган луғавий бирликлардир. Шу сабабли ҳам улар бир неча сўздан ташкил топишига қарамай, битта тил бирлиги сифатида ўрганилади. Лекин бунда маъно даражаси бир хил деб бўлмайди. Гарчи маъноси тенг бўлса ҳам, фразеологик бирликлар луғавий бирликларга нисбатан кенгроқ маъно ифодалайди, уларда образлилик, тасвирийлик, шунинг баробарида, таъсирчанлик ортиқроқ бўлади. Масалан,

Бу муҳит нақадар бўғиқ ва сиқиқ,

Инсон ўз орзусин қила олмаса.

Чидайди тишини тишига қўйиб,

Фикрлар, ишончлар бари талваса.

(“Ўч”)

Мисолдан кўриш мумкинки, фразеологик бирликлар матнда ифодалилиқни оширишга, таъсирни кучайтиришга, халқчилликнинг ортишига омил бўлади, шу билан бирга, лисоний бирлик сифатида тилнинг бой имкониятлари мавжудлигини намоён этади. Фразеологик бирлик билан ифодаланганда, тушунча луғавий бирлик билан ифода этилганига нисбатан кенгроқ маънога, кучлироқ тасвирийликка эга бўлади. Мисолларда берилган фразеологик бирликлар ҳам матнда бадиийликни оширишга, ифодалилиқни мукаммаллаштиришга хизмат қилган.

Фразеологик бирликлар (айниқса, бирикма ҳолидаги бирликлар) вариантлилиги билан ҳам характерланади. Ижодкор уларнинг маълум шаклидан ўзгартирмай ёки бироз ўзгартириш киритган ҳолда, ижодий фойдаланиши мумкин.

Ижодкор тилдаги айрим турғун бирикмаларни маълум бир ўзгартиришлар асосида ўз мақсади йўлида фойдаланганда, гоҳо уларнинг грамматик тузилиши ва шунинг баробарида грамматик маънолари ҳам ўзгарган ҳолда қўлланган бўлиши ҳам мумкин.

Лекин бу ўзгаришлар ўқувчига тушунмаслик ҳолатларини ёки бошқа маънода қабул қилиш муаммоларини келтириб чиқармайди. Чунки бу шакллар оғзаки нутқда шаклланиб сайқаллашиб боргани ҳамда халқ онги, тафаккурининг меваси сифатида ўта таниш ва тушунарли бўлгани учун ҳам, кичик ўзгаришлар унга путур етказмайди.

Халқ тили турғун бирикмаларга бой бўлиб, бу бирикмаларнинг ижодкори халқ саналади. Халқ маънавияти, оғзаки нутқ ижод маҳсули ҳисобланган иборалар ёки турғун бирикмалар ўз шакли ва маъноси замирида шу халққа хос зукколик, ифодадаги аниқлик ва образлилики намоён этади. Шу сабабли ибора ва турғун бирикмалардан фойдаланилганда, нутқ мазмуни янада кучайиб, ифодалилиги ортади. Чунки ибора ва турғун бирикмалар лексик бирликларга нисбатан кенгрок мазмун мундарижасига, образлироқ ифода шаклига эга бўлади.

Ойбекнинг яна бир достони “Бахтигул ва Соғиндиқ” асарида ҳам халқ тилига оид бадий воситалардан, оғзаки нутқ шаклларида кенг фойдаланилган. Бунда, аввало, лексик бирликларнинг халқ тилига яқин шаклларда қўлланганлигини кўриш мумкин. Масалан:

Тўнғакдай оғир (ҳа отга жабр)

Пихиллар, мудрар, чайқалар вазмин

Ёнда қароллар – бари жулдур, кир

Юқорида берилган мисолга эътибор берадиган бўлсак, асар тилида турли маъновий гуруҳларга хос бўлган лексик бирликларнинг оғзаки нутқда қўлланувчи шаклидан фойдаланилган. Мисолдаги *тўнғакдай, пихиллар, жулдур* каби лексик бирликлар асар тилининг халқ тилига, оғзаки нутқ шаклларига яқинлигини таъминлашга хизмат қилган. Бу мисолларда маъноси тушунарли бўлиб кетган, қўлланиш доираси ҳам у қадар тораймаган лексик бирликлар билан бирга, тилимизда қўлланиши камайиб, тобора йўқолиб бораётган, шу сабабли асл маъноси тушунарсиз бўлиб, йўқ бўлиб бораётган лексик бирликлар ҳам қўлланганлиги шоирнинг халқ жонли тилини, унинг тарихини яхши билганлиги ва ўринли қўллай олиш маҳоратига эга эканлигидан, шу билан бирга, йўқолиб бораётган, тилимизда ишлатилмай қолаётган тил бирликларини асраб қолиш, ишлатишга бўлган ҳаракатидан дарак беради.

Ўзбек тилида луғавий маъно ифодалашда фразеологик бирликларнинг аҳамияти катта. “Иборалар ёки фразеологизмлар бу тил мазмунини янада бойитувчи маънавий хазинадир”⁹. Фразеологик бирликларда луғавий бирликларга нисбатан кенгроқ, ифодалироқ тарзда тушунтирилади. Фразеологик бирликлар халқ онги, тафаккури маҳсули бўлиб, аввало оғзаки нутқда пайдо бўлади, кейин тил бирлиги сифатида қабул қилинади. Шу сабабли фразеологик бирликларни нутқда қўллаш уни оғзаки нутққа яқинлаштиради, ифодалиликни оширишда нутқда фразеологик бирликлардан кенг фойдаланилади.

⁹ Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография) Самарқанд, 2006.Б-127, 49-бет.

Достонлар тилида ўзбек халқи ижодий намуналари бўлмиш иборалардан кенг фойдаланилган. Бу ўз навбатида бадиий асар тилининг кимматини оширишга хизмат қилган:

Юзини кўрмасдан қалби қонаган,

Қиз ишқида ўзин мажнун санаган

Юқоридаги мисолда қўлланган “қалби қонаган” ибораси ҳолат билан боғлиқ жараёни ифода этиш учун ишлатилиб, “бўғилмоқ”, “сиқилмоқ”, “қон бўлмоқ” маъноларини англатади, тилда бу иборанинг “зардоб ютмоқ”, “зардоб билан қон ютмоқ”, “юраги хун бўлмоқ” каби синонимларидан ҳам фойдаланилади.

Достонлар тилида қўлланган ибораларни таҳлил этиб кўрар эканмиз, уларни ўз асл ҳолатида қўлланганлиги ёки ижодий ёндашиш натижасида қайта шакллантирилганлигига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкинлигини кўрамиз:

а) тилда қандай қўлланган бўлса, шу ҳолатида, яъни асл ҳолида қўлланган иборалар;

б) тилда қўлланиш ҳолатидан ўзгарган, ижодий қайта ишланган ҳолда берилган иборалар.

Шоир халқ тилида қўлланувчи “ҳоли танг (қолмоқ)” ҳамда “ҳангу манг (бўлиб) қотиб қолмоқ” ибораларидаги оҳангдошликдан усталик билан фойдаланиб, уларни ўзаро бириктирган ҳолда ўзгартириб ишлатган. Яна мисолларда “ҳоли танг бўлмоқ”, “ҳоли - зори танг бўлмоқ”, “ҳангуманг бўлмоқ (қолмоқ)” иборалари қўлланган. Бу иборалар ўзаро маънодош бўлиб, “хайрон бўлмоқ”, “чорасиз қолмоқ” каби маъноларни ифода этади. “Кўз тутиб, ҳар кўзини юз тутиб” ибораси шоир томонидан моҳирлик билан қайта ишланган. Халқ тилида бу ибора “кўз тутмоқ”, “кўзи тўрт бўлиб кутмоқ”, “кўзи тўрт бўлмоқ” шаклларида қўлланиб,

“кутиш”нинг юқори даражада эканини кўрсатиш учун “икки кўз” икки баробар кўпайтирилиб, “тўрт” шаклида ишлатилса, бу ўринда шоир “юз” сўзини кўллаб, миқдорни ошириш орқали маънони янада кучайтириб ифода этган.

Умуман олганда, иборалар тилда ифода мазмунини ошириб, бадийликни кучайтиради. Уларни нутқда қўллаш нутқнинг жозибали бўлиши билан бирга, мазмундор ва таъсирчан бўлишини ҳам таъминлайди. Оғзаки нутқда ҳосил бўлиб, асосан, халқ тилига тегишли бўлган ибораларда ифода мазмуни чуқур ва образли бўлади. Ижодкор улардан ўринли фойдаланиш билан нутқнинг гўзал, ифодали ва мазмунли бўлишига эришади ва пировардида тилнинг ноёб унсурлари саналмиш ибораларнинг нутқда фаоллашувига, сақланиб қолишига ёрдам беради.

Иборалар ҳам Ойбек дostonларининг мазмунини очиб беришга, бадийликни таъминлашга хизмат қилган. Асарда иборалар шеърий вазн ва қофия талабига кўра маълум ўзгартиришлар билан қўлланган. Масалан:

*Ўтиради Дилбар бедармон,
Сув жилдирар оёқларидан
Шунга мажбур, қанча эрларнинг
Ёстигини уруш қуритган.*

(“Қизлар”)

*Бир тўп ишчи билан қорда,
Жўра кетар мағрур бош тутиб.
Кетиб борар кўзида чақин,
Мард эрларнинг этагин тутиб.*

(“Темирчи Жўра”)

Келтирилган мисолларда қўлланган иборалар матн мазмунини очиб беришда, бадийликни оширишда алоҳида ўрин тутати. Биринчи мисолда “ёстиғини қуритмоқ” ибораси тарз ҳоли билан (бутун) кенгайтирилиб, ижодий қўлланган. Бу ибора “йўқ қилмоқ”, “тамом қилмоқ”, “адо қилмоқ” лексемаларига мазмунан мос келади. Кейинги мисолда қўлланган ибора ҳам шоир томонидан кенгайтирилган, ижодий ёндашилган. Халқ оғзаки ижодида “этагидан тутмоқ”, “этагидан ушламоқ” шаклида қўлланиб, “эргашмоқ”, “бирга бўлмоқ”, “айрилмаслик” маъноларини ифода этувчи иборани “ёр этагини маҳкам тутиб кетаман” шаклида қўллайди ва унинг замиридаги ажралмаслик, айрилмаслик, бирга бўлиш маъноларини сақлаб қолади.

Тасвирлаш муносабати ибораларда кучли бўлиб, унда лексик birlikларга нисбатан бадийлик, тасвирийлик юқори бўлади. Халқ оғзаки нутқи тасвирийлиги ва бадийлиги билан бирга жуда бой заковатдан ҳам дарак бериб туради. “Кўзини кўр, қулоғини қар қилиб” ибораси ҳам халқ тили намуналаридан саналиб, ҳеч нарсага эътибор бермаслик, кўриниб турган моддий белгиларни ҳам кўрмасликка олиш маъноларини англатади. Достонларда “тузини ҳалолламоқ”, “берган тузига рози бўлмоқ”, “ўзига келмоқ”, “тоқати тоқ бўлмоқ”, “ёмон отлиқ бўлмоқ”, “ерга кирмоқ” ибораларидан ҳам ижодкор самарали фойдаланган.

Халқ оғзаки ижоди материалларидан фойдаланишда иборалардан ташқари, мақолларга ҳам кўп мурожаат қилинади. Мақол матни қисқа, ихчам ва лўнда фикрлаш, аниқ баён этишни тақозо этгани боис, ижодкорга жуда қўл келади. Мақол матни мазмун жиҳатидан таҳлил этилмайди, чунки, одатда, турмуш, ҳаётда тўғрилиги исботланган ҳолда, қайта – қайта ишланиб вужудга келади. Халқ мақоллари халқнинг буюк ижод маҳсулларида бири сифатида мукамал тузилиш ва исбот талаб қилмас мазмунга эга бўлади.

Насрий асарларда халқ мақолларидан кенг фойдаланилади. Лекин дostonларда мақол матнидан фойдаланиш, уни дoston ритми ва қолипига туширишда мазмунига путур етказмаган ҳолда, қайта ишлаш ижодкордан муайян маҳорат, билим ва катта тажрибани талаб этади. Ойбек дostonларида қўлланган мақоллар шоирнинг ана шундай комилликка эга эканидан далолат беради. Масалан:

Ҳа, шошган қиз эрга ялчимас, -

Элдан бурун экишлик нима?

(“Қизлар”)

Бу мисолда ўзбек халқининг “Шошилган қиз эрга ёлчимас” мақоли келтирилган бўлиб, у асар матнига эмоционал – экспрессив рух бағишлашга хизмат қилган.

Ёлғиз ётди яна-мазмуни

Қиз уялмиш онаси қийиқ

Тўй қиламиз дебди қайтадан

Айрилганни ер эмиш айиқ (“Қизлар”)

Келтирилган мисраларда “айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри ер” ўзбек мақолидан шоир усталик билан фойдаланган, шу асосда нутқиға мантиқийлик, халқчиллик ва чуқур маънони сингдира олган. Бу ўринда халқ мақоллари дoston матнини шакллантириш билан бирга, дostonдаги жанговарлик, мардлик руҳини яратишга, шоир фикрини маъқуллашга восита бўлиб хизмат қилган. Мақолларнинг мазмун-моҳияти дoston руҳиятига тўла мослиги уларнинг ўзаро сингиб, бир-бирини тўлдириб кетишиға омил бўлган.

Шоир ўз дostonларида минг йиллар давомида шаклланган халқ мақолларидан ўта моҳирона ва унумли фойдаланган.

Мақоллар тилнинг кўрки ҳисобланади. Улардаги ихчам ҳажм ва маъно халқ маънавияти, заковати маҳсулидир. Мақоллардан нутқда фойдаланиш мазмунни бойитишга, таъсирни оширишга ва шунинг баробарида тилнинг кўркамлигини намоён этишга олиб келади, нутқнинг халқ тилига яқин бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари, достонлар тилида мақол даражасида шаклланмаган, лекин ҳикматли сўз маъносида қўлланган жумлалар, шоир ижоди маҳсули бўлган афоризмлар учрайди:

Қиш чиллада ўрик гуллабди – ю,

Саратонда яхлаб қопти сув.

(“Қизлар”)

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек достонларида адабий тилдан кескин фарқланувчи лексик бирликлар ва образли ифодалардан самарали фойдаланилган.

ИККИНЧИ БОБ.

Ойбек дostonларининг синтактик-стилистик хусусиятлари.

2.1. Дostonлар синтагматикаси.

Ўзбек тилининг поэтик синтаксиси тилшунослигимизда ҳали тўлиқ ва атрофлича ўрганилмаган бўлса-да, ўзбек бадий нутқини тадқиқ этишда жуда кўплаб ишлар амалга оширилган. Маълумки, синтаксис сатҳида, асосан, гап қурилиши, гапнинг шаклланиш қонуниятлари ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, синтаксиснинг энг асосий бирлиги гапдир.

“Синтактик бирликларни мазмунга мос равишда турли хилдаги қурилмаларда қўллаш мумкинлиги уларнинг услубий имконияти нақадар кенг эканлигидан далолат беради. Бундай нутқий қурилмалар ўзининг ранг – баранглиги билан, бир маънони бир неча хил шаклларда ва шу орқали турли – туман оттенкаларда бера олиш имконияти билан услубий жиҳатдан аҳамиятлидир”.¹⁰

Ойбек дostonларининг гап қурилиши адабий тилдагидан кескин фарқ қилмайди. Лекин Ойбек дostonларининг синтаксиси учун хос бўлган бир ҳодиса борки, у дostonларда гап бўлақларининг гап қурилишининг грамматик қонуниятларига бўйсунмаслиги, ўрин алмашилиши, яъни инверсия ҳодисасидир. Масалан:

*Ойдин кеча ҳуснини кўр бу диёрда,
Бир хўрсиниб ёдлайсан умрбод уни.
Ҳаёлий шакл олар қорли чўққилар,
Нақадар сирга бой ойнаинг ўйини?*

¹⁰ Каримов С. Ўзбек тилининг бадий услуби. –Самарқанд: Зарафшон. 1992. 74-бет.

Ойбекнинг “Ҳамза” достонидан олинган бу парчада барча мисралардаги гапларда гап бўлақларининг ўрни алмашилиб қўлланилган, яъни инверсия ҳодисаси юзага чиққан. Достонларда деярли барча гап бўлақларининг инверсияга учрашини кузатишимиз мумкин. Лекин кузатишларимиз шуни тасдиқлайдики, достонларда энг кўп инверсияга учрайдиган бўлақ – аниқловчидир.

Ўзбек тилида аниқловчининг ўрни қатъий бўлиб, у оддий тартибда доимо аниқланмишдан олдин келади. Агар шу тартиб маънога кўра ўзгариб, аниқловчи аниқланмишдан сўнг келса, у ҳолда аниқловчи доим аниқланмишдан грамматик жиҳатдан ажралган бўлади. Бунда аниқловчи аниқланмишдан грамматик жиҳатдан мустақиллашади, уларда ярим предикативлик юзага чиқади. Бу ҳолда инверсияга учраган аниқловчи билан аниқланмиш ўртасида маълум пауза бўлади, инверсияга учраган гап бўлаги ўзига хос ритм билан талаффуз этилади, яъни ўзига хос интонацион тасвирга эга бўлади.

Инверсияга учраган аниқловчи ва аниқланмиш ўртасига бошқа гап бўлақлари кириб қолса, аниқловчи ва аниқланмишнинг грамматик алоқаси янада очиқ кўринади. Демак, ўз аниқланмишидан сўнг қўлланган аниқловчилар инверсияга учраган ҳисобланади. Масалан:

Асирларнинг кишан, бўғови узиларди, чирик, бемадор.

(Ойбек)

Айрим ҳолларда предметларнинг маълум белгилари эслатиш йўли билан баён этилади. Ана шундай ҳолларда ўқувчининг ёки тингловчининг диққати ана шу белгига қаратилади. Натижада белги англатувчи бўлақ, яъни аниқловчи инверсияга учрайди.

Демак, агар у ёки бу белги предметни чуқур англашга ёки уни бошқалардан фарқлашга кенг имконият яратиб, шу предметнинг энг асосий

ва муҳим белгисини ташкил қилса, биз ўз нутқимизда шу белгининг муҳим эканлигини кўрсатиш учун уни ажратамиз ва тингловчининг диққатини шу маънони, белгини тушунишга қаратамиз. У вақтда инверсияга учраган бўлак ўзида энг муҳим ва энг асосий белги эканлигини кўрсатувчи ҳамда таъкидловчи функцияга эга бўлади. Инверсияга учраган аниқловчиларнинг тилдаги функционал хизмати оддий аниқловчиларга қараганда кенг бўлади. Улар белгини ифодалаш билан бирга, белгини таъкидлаб ҳам кўрсатади.

Инверсияга учраган аниқловчилар якка ҳолда қўлланганда ҳам, бирикмали ҳолда қўлланганда ҳам турли маъно функцияларида қўлланади ва доимо муҳим ва характерли белгини кўрсатади::

А) ўзбек тилида инверсияга учраган аниқловчининг энг кўп тарқалган тури шуки, нутқ муаллифи бадиий асар персонажи ёки табиат ҳодисасини тасвирлаётган вақтида шу предмет ёки ҳодисанинг энг муҳим, уни бошқа предметлардан фарқлайдиган асосий хусусиятларини ажратиб, тингловчининг диққатини шу муҳим белгига ёки хусусиятга тортади. Образнинг ташқи қиёфасини, кийинишини, сифатини ёки унга хос бирор хусусиятни таъкидлайди. Чунки ёзувчи кўпинча ўз образининг кимлигини юқоридаги хусусиятлар билан ҳам очиб беради. Шунинг учун бу хусусиятларга ўқувчининг диққатини тортиш билан ҳам ўз қахрамони белгиси ёки характерини очикроқ баён қилади.

Масалан:

Бу ерларга келган у – халқ ўғли, шоир,

Ватан тоғлари сари очиб қучогин.

Илҳомлари нурланган, хаёли баланд,

Ўйлару ҳислари тоза ва ёрқин.

(“Ҳамза”)

Келтирган мисолимиз ҳам юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди. Кўриниб турганидек, энг охирги мисранинг аниқловчилари ҳисобланган “тоза ва ёрқин” сўзлари шу ўринда грамматик қонуниятларга бўйсунмаган ҳолда, ўз аниқланмишидан (ўйлару ҳислари) кейинга ўтиб қолган, яъни инверсияга учраган. Шоир Ойбек шу йўл билан ўз мақсадига эришган. Шу орқали тингловчининг диққатини предметнинг ўзига эмас, унинг белгисига қаратган;

Б) нутқ муаллифи табиат ҳодисасини ёки бирор воқеликни тасвирлашда инверсия усулидан унумли фойдаланади. Бунда ёзувчи инверсия усулини муҳим тасвирлов воситаси сифатида қўллаб, тасвирийликни оширади. Масалан:

Шовулларди дарё, асов, шиддаткор

Қиз зир титрайди, кесилган нафас.

(“Бахтигул ва Согиндиқ”)

В) айрим предмет ва ҳодисаларга, мазмунига, унинг муҳим белгиларига, бошқа предмет ва ҳодисаларга бўлган муносабатларига тавсиф бериш учун ҳам инверсия усулидан фойдаланилади. Масалан:

Отабой қилди мирзога имо,

Мирзо ҳам тишлаб қолганди қалам.

Саҳро гўзали чанг, шовқин аро,

Боқар тевадан-ёш, содда, кўркам.

(“Бахтигул ва Согиндиқ”)

Мисоллардан кўриниб турганидек, белгини бўрттириш, таъкидлаш туфайли ярим тасдиқ юзага келади. Шунинг учун ҳам, инверсияга учраган аниқловчилар ярим предикативлик характериға эга бўлади.

Шундай қилиб, юқоридаги инверсияга учраган аниқловчилар турли маъноларда қўлланилиб, ёзувчи уларга ортиқ мустақиллик бериш билан қўшимча маъноларни ифода этган, яъни бу белгиларни асосий хусусият қилиб ва уларни постпозитив ўринда - аниқланмишдан сўнг ишлатган. Демак, постпозитив ўриндаги аниқловчилар доим ажратилади,

Агар аниқловчи аниқланмишдан ажралган бўлса, улар орасида бошқа гап бўлаклари ҳам қўлланиши мумкин.

Юқоридаги ўринларда инверсияга учраган аниқловчилар ўз аниқланмишидан анча узоқлашган бўлади.

Инверсияга учраган аниқловчилар тўлиқсизликни, қарама-қаршилиқни ва белгини чегаралаш каби муносабатларни ҳам кўрсатади.

Бундай инверсияга учраган аниқловчилар ёрдамчили ҳам бўлади. Ёрдамчи функциясидаги *хоҳ* сўзи такрорланиб келиши мумкин.

Юкламалар ҳам ёрдамчи функциясида қўлланган бўлиши мумкин. У вақтда улар маънони кучайтириб келади.

Инверсияга учраган аниқловчилар ажратилмаган аниқловчилардан ўзининг семантикаси билан ва шу семантикасининг синтактик ифодаланиши билан фарқ қилади.

Ажратилмаган аниқловчилар умуман предметнинг белгисини кўрсатса, инверсияга учраган аниқловчилар шу предметга хос хусусиятни очиб берувчи, уни характерловчи муҳим белгисини ифодалайди ва шу белгиларни таъкидлайди.

Синтактик жиҳатдан бу белги предикатив хусусиятга эга бўлиб, кесимга яқинлашади ва ярим мустақиллик олади. Бу мустақиллик аниқланмишдан ажралиб, ундан сўнг қўлланилиш натижасида келиб чиқади.

Инверсияга учраган аниқловчи логик урғу олиб, шунга кўра, пауза ва асосий тоннинг ўзгариши билан ажратилади.

Инверсияга учраган аниқловчилар ҳозирги адабий тилимизда энг маҳсулдор ҳодисадир. Улар энг муҳим маъноларни, белгиларни ўзида ифодалайди. Бу белги фикрнинг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, юқоридаги инверсияга учраган аниқловчилар Потенция тили билан айтганда, предикативлик хусусиятига эга бўлган қўшимча маъноларни ҳам ифодалочи “оппозитив атрибут”дир.

Инверсияга учраган аниқловчилар ажратилмаган аниқловчилардан ўзининг семантикаси ҳамда синтактик воситаси билан фарқ қилади.

Инверсияга учраган бўлақлар атрибут характердаги фаол ёки нофаол белгинигина билдирмай, балки шу билан бирга, предикат хусусиятига эга бўлган белгини ҳам билдиради.

Маълумки, инверсияга учрамаган аниқловчи аниқланмиш билан бириккан ҳолда бир бирикмани ташкил этади. Инверсияга учраган аниқловчилар эса аниқланмиш билан бирга, улар ажратиб олинганда тугал фикрни англатувчи гапни ташкил этиши мумкин.

Инверсияга учраган бўлақларнинг ўзига хос маъно функциялари алоҳида интонация, урғу, ритм кабиларни келтириб чиқаради. Бу ташқи хусусиятлар ёзувда тиниш белгилари орқали ифодаланади.

Интонация сўзи латинча *intonare* сўзидан олинган бўлиб, «баланд товуш билан талаффуз қилиш», «ўқиш» деган маънони англатади¹. Интонация – товушнинг баланд ва паст оҳанги билан белгиланадиган гапириш манераси, сўзни талаффуз этиш характеридир. Интонация сўзловчининг ўзгаларга қандай муомала

¹ Н. Ётамов, Б. Саримсоёв. Адабиётшунослик терминларининг русча-шзбекча изоъли лубати. Тошкент. Ўйитувчи, 1983, 140-бет.

қилаётганини, суҳбатдошига бўлган муносабатини акс эттиради. Интонация гапираётган киши нутқидан кузатилган аниқ маънони ифодалашга ёрдам беради, нутқни жонлантиради. Масалан, *ёмғир* сўзи хурсандлик ёки хафалик оҳангида айтилиши мумкин: *кўндан бери кутилган ёмғир ёғди* ва, аксинча, *яна ёмғир ёғди-я* деган маънода келиши мумкин.

Бадий асарларда интонациянинг хилма-хил кўринишлари, яъни *савол, хитоб, дарак, киноя, газаб, афсус, сўроқ, ундов, илтимос, қўрқитиш, санаш* каби турли фикр ва ҳис-туйғуларни ифодалаган кўринишларидан фойдаланилади.

Интонация сўзловчининг ҳамсуҳбатига ёки предметга бўлган маълум бир муносабатини англатувчи ифодалилиқнинг асосий воситаларидир. Бадий асарларда интонациянинг роли бекиёсдир. Ҳар бир сўз ёки ибора асосида ётган мазмунни тўғри англашда, асарнинг эмоционал таъсирчанлигини тўғри белгилашда интонацияга катта аҳамият бериш зарур. Агар бирор бадий асар товуш чиқариб ўқилса, интонация турли воситалар асосида англашилади. Масалан, овознинг пасайиш, кўтарилиши, турли паузалар, сўз ёки жумлаларнинг бўлиниб-бўлиниб ёхуд қўшиб ўқилиши, нутқнинг ўзига хос синтактик тузилиши, сўзларнинг гапдаги ўрни, улардан айримларининг пауза билан ажратилиши муаллиф ёки қаҳрамон нутқи орқали турли ҳолдаги интонацияларни пайдо қилади. Юқорида кўрсатилган воситалар интонацияда бир-бири билан шундай муносабатда бўладикки, айрим пайтлари уларнинг умумий йиғиндисини алоҳида-алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди.

Бадий асар матнида интонация турли тиниш белгилари, шеърий асарларда мисраларнинг жойлашишига караб белгиланади. Интонация, айниқса, драматик асарларда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, муаллиф ғояси ҳам, асарнинг умумий ғояси ҳам бевосита интонация орқали ёритилади.

Интонацияга хос хусусиятлардан яна бири шуки, у нутқ бўлақларининг синтактик маъноси ва ҳиссий бўёқдорлигини ошириш учун ҳам хизмат қилади.

Масалан:

Кўкламнинг гулу ел ўйин кечаси,

Ер ҳам, том ҳам ёйган қалин гул сепин.

Юлдуз-ла тикилган кўкнинг каштаси,

Эрийди оқ булут, бир парча майин.

(“Ўч”)

Келтирган мисолимизда кўриниб турганидек, “*бир парча майин*” аниқловчиси ўз аниқланмишидан кейинга ўтган ҳолда инверсияга учраб, предмет белгисини (бир парча майин оқ булут) таъкидланган ҳолда кўрсатиш учун қўлланилган. Нутқ талаби билан бу бўлак алоҳида таъкидланган интонация билан талаффуз қилинади, ёзувда эса гапнинг асосий таркибидан вергул билан чегараланади.

Нутқ ритми урғули ва урғусиз, чўзиқ ва қисқа бўғинларнинг нутқда бир текисда такрорланиб, уюшиб келишидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, гап бўлақларининг инверсияга учрашида

нутқ ритмининг ҳам алоҳида ўрни бор. Гап бўлакларининг инверсияга учрашида логик урғу ҳам алоҳида вазифа бажаради.

Логик урғу (мантикий урғу) одатда, матнда яширинган бўлади. Бадиий асарларни ўқишда логик урғуни аниқлаб олишимиз зарур. Мантикий урғуни излаётганимизда бадиий асардаги уюшиб келган ва маънони кучайтириш учун такрор қўлланган сўзларга, эргаш гапдаги бирор манзарани тасвирловчи бир хил бўлакларга ҳамда айрим гаплардаги таъкидловчи сўзларга эътибор беришимиз зарур. Одатда, мантикий урғудан кейин қисқа пауза қилинади.

Масалан:

*Ой нури оқади, ипакдан майин,
Лаълининг сочида мавжи жимирлар.
Ёш, севар юраклар дардлашар секин,
Улар каби шамол, барглар шивирлар...
Ҳар сўзни муҳрлар бир ёниқ бўса,
О, қандай чин бахтга тўлгин бу онлар!
Қониқарми диллар бўса минг бўлса?
Бахтдан ва севгидан маст-аласт жонлар...
(“Ўч”)*

Юқорида кўриб ўтган мисолимизда “ипакдан майин”, “дардлашар секин”, “барглар шивирлар”, “маст-аласт жонлар” каби бўлак ва бирикмалар алоҳида логик урғу олган ҳолда қўлланилган.

Профессор А.Ғуломов мантикий урғуга аниқлик киритиб шундай дейди: “Ўзбек тилида логик (мантикий) урғу бошқа кўпгина тиллардаги каби фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган элементларни ажратиш учун хизмат

қилади. Бу ажратиш ўша элементнинг сўнгги бўғинида ўзининг энг юксак нуктасига етади. Бу ажратиш ўша элементнинг кучли айтилиши билан боғлиқ. Бу ҳаво оқимининг кучайиши эмас, балки умумий тоннинг – оҳангнинг кўтарилишидир. Кўриниб турибдики, логик урғу семантика билан боғлиқ ҳодисадир. У элементларнинг муносабатини ойдинлаштиради, бош сўзни кўрсатади, бутун гапнинг фикрий йўналишини аниқлаб беради”.

Демак, ҳар бир нутқ жараёнида фикрни ойдинлаштириб кўрсатадиган марказий сўз мавжуд бўлади. Мантикий урғу тушган бу сўз кучлироқ талаффуз қилинади. Мантикий урғунинг аҳамияти шундаки, у гапдаги асосий фикрни аниқлайди, ойдинлаштиради. Ёзувда эса у махсус белги билан кўрсатилмайди. Оғзаки нутқда эса мантикий урғу тушган сўз кўтариш, пасайтириш каби воситалар ёрдамида ажратиб кўрсатилади. Шунинг учун у тингловчи диққатини тез жалб этади.

Мантикий урғу гапдаги исталган сўзга тушиши мумкин. Масалан, *баҳор қуёшининг нурлари кўк денгизга сизмай тошади* (Ойбек) гапидаги ҳар бир сўзга мантикий урғу бериб талаффуз қилиш мумкин.

Фикрлашдаги белгини кўрсатиш билан бирга, тингловчининг диққатини шу маънога қаратиш ёки аниқловчидаги ўзига хос логик ва грамматик маънони таъкидлаш мақсадида қўлланиб, қўшимча маъно англатувчи постпозитив аниқловчи инверсияга учраган аниқловчи саналади. Масалан:

Қизлар хурсанд, янграр шўх овоз,

Гўё яқин эди ғалаба.

Уст қатламни сой, асов маккор,

Зумда йиқар сўнгги ҳамлада.

(“Қизлар”)

Ушбу келтирган мисолимиз ҳам юқоридаги фикрларни яна бир бор тасдиқлайди. Умуман, Ойбек дostonлари ўзига хос синтагматик белгиларга эга.

2.2. Достонларда услубий –тасвирий воситаларнинг қўлланилиши

Ўзбек адабий тили узоқ тараққиёт ютуқларига таянган ҳолда ўз ривожланиши йўлида давом этар экан, унинг ютуқларида Ойбек ижодининг, айниқса, Ойбек достонларининг ўрни бекиёсдир. Айниқса, тил имкониятларидан етарлича фойдалана олган, тил илмига катта эътибор қаратган ижодкорларнинг яратган асарлари тилимиз ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади. Чунки тил бадиий адабиётдагина ўзининг бор имкониятларини максимал даражада намоён этади.

Ўзбек тили услубий воситаларга бой тил ҳисобланади. Унда поэтик синтаксис воситалари кенг қўлланиб, улар нутқнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Улар кўпроқ шеърий нутқда ишлатилади. Шу билан бирга насрий асарларда ҳам учраб туради, лекин уларда шеърий нутққа хос ритмик – мелодик белгилар сезилиб туради. Чунки услубий воситалар нутқ оҳангдорлигини таъминлаб, сўзлар уйғунлигини юзага келтиради.

Тилнинг бадиий тасвир воситалари “нутқнинг фоник-метрик, ритмик - мелодик, морфологик-синтактик, семантик-стилистик, композицион-динамик қурилишини таъминловчи тарихий-эстетик категориядир”¹.

Бадиий асар тилини ҳис қилиш, мазмунан енгил, осон тушунишда, унинг эстетик таъсиридан озиқланишда поэтик фигураларнинг алоҳида ўрни бор.

... бадиий адабиёт тили ёзувчига халқ ҳаётини ўймакорларча тасвирлаш учун қулай материал ва таъсирчан бадиий бўёқлар беради.²

¹ Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. –Фарғона, 1996, 6-бет.

Достонлар шундай муҳим вазифа бажарадики, унинг ёрдамида ижтимоий ҳаётда содир бўлган ва рўй берадиган зиддиятлар инсон томонидан бадиийлашган тарзда идрок этилади. Шунинг учун достоний асар кишига чуқур ҳиссиёт уйғотадиган, эмоционал, тушунарли, идрок этиш учун осон ва қулай, тили содда ва рағон, халқ тилига яқин бўлиши керак. Ана шундагина унинг таъсир кучи катта бўлади, маънавий жиҳатдан озуқа беради, қисқа қилиб айтганда, тарбия қуролига айланади.

Бадиий тилнинг тарбия воситаси сифатида ўрганилишида бадиий тасвир воситалари муҳим ўрин тутди. Айниқса, бадиий нутқ услубий воситаларга бойлиги ва ёзувчи мақсадини ифода этиш қуроли сифатида бошқа нутқ услубларидан алоҳида ажралиб туради. Бадиий услубда қўлланувчи тил воситаларини ўрганиш тилшуносликнинг энг долзарб ва муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларидан бири ҳисобланади, чунки ҳар бир лингвистик бадиий восита нутқ жараёнида номинатив вазифани бажариш билан биргаликда бадиий тасвирий восита ҳам бўлиши мумкин.

Услубий воситалар нутқнинг таъсирчанлигини оширишда, мазмундорлигини таъминлашда қўшимча бирор вазифани бажарувчи тил элементларидир. Услубий воситалар бажариб келган вазифа моҳияти нутқда намоён бўлади. Бундай тил воситалари, айниқса, бадиий нутқ услубида кенг қўлланилиб, тилнинг бой имкониятларини кўрсатиб беришга хизмат қилади ва унинг эстетик функциясини оширишга катта ёрдам беради. Шу сабабли услубий воситалар бадиий тасвир воситалари деб ҳам юритилади, баъзи адабиётларда поэтик фигуралар номи билан ҳам аталади.

² Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. Тошкент – 2003, 32-бет.

Фигура ёки стилистик фигура (лат. figura-образ, кўриниш сўзидан) – бадий сўзнинг ифодалилигини ошириш учун ёзувчи томонидан ишлатиладиган махсус сўз ва иборалар, одатдан ташқари нутқ тузилиши.

Тилнинг услубий воситалари қаторига такрор, антитеза, градация, параллелизм, оксюморон, инверсия, эллипсис, санаш усули кабиларни киритиш мумкин.

Бунда биринчи турга, яъни шакл билан боғлиқ бадий-тасвир воситалари таркибига синдетон, полисиндетон, асиндетон, анафора, эпифора, инфора, эллипсис, инверсия, синкопа, анакопа, плеоназм кабилар жамланган.

Маънонинг кўчиши билан алоқадор иккинчи турга метафора, метонимия, синекдоха, функциядошлик, ирония, энантиосемия, гипербола (муболаға), литота (кичрайтириш), эвфемизм, дисфемизм, оксиморон, эпитет, персонификация (жонлантириш), ўхшатиш кабилар киритилган.

Таснифда учинчи тур сифатида ҳам шакл, ҳам мазмун билан алоқадор бадий-тасвир воситалари қайд этилиб, унга антитеза ва хиазм усуллари белгиланган.

Бу фигуралар ифодали, бадий нутқнинг шундай воситалари саналадики, улар иштирокида тузилган нутқ шакли тўлиқ уйғун, бир бутунликдан иборат конструкцияни ташкил этади. Уларда қисмларнинг ўзаро муносабати – мутаносиблиги ёки номутаносиблиги, ўхшашлиги ёки фарқлилиги ва шу каби бошқа хусусиятларининг мавжудлиги уларнинг умумий ва энг муҳим белгиси ҳисобланади. Бадий асар тилида услубий воситаларнинг қўлланиш даражаси асар тилининг бой ва мукамал бўлишини таъминлайди, бадийликни оширади. Айниқса, дostonларда бадий воситалар қўлланиши кўп эътиборга олинади. Дoston матнининг

ўзаро уйғун, мазмундор, таъсирли ва эсда қоларли бўлишида бу воситаларнинг ўрни катта.

Ойбек дostonлари тилида ҳам услубий – бадий воситалардан кенг ва самарали фойдаланилган. Шоир ижоди тилида такрор, санаш усули каби воситалар кўп қўлланган, шу билан бирга, градация ва антитеза воситаларининг ишлатилиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ушбу воситалар шоир дostonларининг жонлилиги, бадийлиги, муסיқавийлиги ва мазмундорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Маълумки, ҳар бир ёзувчи ёки шоирнинг, хусусан, ўз овозига эга ва ўз ўрнига эга бўлган адибнинг ўзига хос тили бўлади. Санъаткорнинг бундай ўзига хос тили унинг ҳар хил усулларни, бадий – тасвирий воситаларни, айниқса, тил материалларини қандай ишлатишида, уларни қандай танлай билишида ва улар орқали ўзи айтмоқчи бўлган фикрни, ўз ғоясини ўқувчиларга қай даражада образли, аниқ ва равшан қилиб етказа билишида кўринади.

Ойбек асарлари ҳам ўзбек адабий тили ривожига катта ҳисса қўшиб, ўз ифода мазмунида тилимизнинг бой имкониятларини намоён этади. Ижодкорнинг тил соҳасидаги кенг миллий салоҳияти ва тил имкониятларидан ўринли фойдалана олиш малакаларини пухта эгаллаганлиги унинг мақсадларини амалга оширувчи асосий омилдир.

Ойбек асарларининг тили ғоят жозибадор, ғоят чиройли, ғоят ёқимли тилдир. Шоир дostonларини ўқир эканмиз, улар бизни ўзига ром этади, ҳаяжонлантиради, бадий завқ беради. Бунинг асосий сабаби адибнинг ўз асарларида турли услубий воситалардан ўринли ва моҳирона фойдалана олганлигидадир.

Сўзловчи ўз ҳиссиётларини, эмоциясини одатдаги тартибга сиғдира олмаган, одатдаги тузилиш унинг сезги ва ҳиссиётларини ифода этиш учун камдай туюлган ўринларда миқдор оширилади, натижада такрор юзага келади. Такрор нутқда юқори эмоционалликни, меъёрдан ортиқ ҳис-туйғуни ифодалашга хизмат қилади.

Нутқ бирликларининг такрорланиши, сўз ва унинг грамматик қисмларининг такрор қўлланиши, синтактик бутунликларнинг қайта айнан қўлланиши бунга мисол бўла олади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, тилда такрорлар маълум бир системани ташкил этади. Такрорнинг юқорида белгиланган турларининг деярли барчасини Ойбек асарлари тилида учратишимиз мумкин:

1.Лексик – морфологик такрор. Бунда мустақил сўзлар ёки ёрдамчи сўзлар матнда такрорни юзага келтириши мумкин:

Лой томади юзлардан ҳар он,

Лой-сочларнинг қора мавжида.

(“Қизлар”)

ёки

Зўр ишчилар билан сафдош,

Жанг қилади Жўра дадил.

Дам чўккалар, дам қўяр бош,

Дам югурар олға эпчил.

(“Темирчи Жўра”)

Матнда бир сўзнинг қайта – қайта такрорланиши ўша сўз билан боғлиқ бўлган вазиятнинг кучайтирилган ҳолда таъкидланишига хизмат қилади.

Баъзан бир неча сўз бирикиб, шу ҳолда такрорланиб келиши мумкин:

2. Синтактик такрор. Бу такрор тури сўз бирикмалари ва гап турлари доирасида кузатилади. Такрорнинг бундай кўринишларига қуйидагиларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин:

а) гап бўлаклари такрори:

*Ел қилиги шумли ва мубҳам,
Қуёшда ҳам жунжиди инсон.
Хатар, хатар, хатар!
Йўқ эди гумон.*

(“Қизлар”)

б) сўз бирикмалари такрори:

*Очкўздир шайхлар каби истар пул ва қон,
Бу ернинг ҳар бир толи, ҳар бир чинори,
Бу ернинг қушларин тезагини ҳам,
Пуллашга тайёр мўлтон ҳар мутавали.*

(“Ҳамза”)

в) предикатив бутунликлар такрори:

*Ёзади шоир, тинмайди қалам,
Хаёллар –дарё, бошда бир олам.
Ёзади шоир, у соҳибқирон,
Олмос тигидай кўксиди ҳижрон.*

(“Бобур”)

Синтактик такрор кўринишларини шоир асарларининг, деярли, ҳаммасида учратиш мумкин. Бунинг ҳолат эса Ойбек ўз ижодида такрорнинг бу усулидан унумли фойдаланганлигини кўрсатади. Шоир асарларида қўлланган энг маҳсулдор услубий восита ҳисобланган такрор кўринишлари қўлланиш ўрнига кўра ҳам хилма-хилдир:

Қисмлар бошидаги такрор – анафора шоир ижодида кўп қўлланган.

Анафора (гр. anaphora-юқорига чиқариш сўзидан - стилистик фигуралардан бири бўлиб, мисолларнинг бошида ёки прозаик бадий асарлардаги гапларнинг олдида бир хил жаранглаган товуш, оҳангдош сўз ёки ибораларнинг такрорланиб келиши:

“Қайга зойиб бўлди Турсун?!”-

Сўкинади у сабрсиз.

Сўкинади жангда букун,

Контрларнинг барин текис!

(“Темирчи Жўра”)

Хуллас, анафорик такрор усулини шакллантирувчи лисоний birlikлардан турли стилистик мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Эпифорик такрор

Ойбек дostonларида гап бўлакларининг эпифорик такрор сифатида қўлланганлигини кузатамиз:

Ола-була суронли карвон,

Бешафқат ва тўфонли карвон.

Кўтаради йўллар тўзонин,

Хуш келибсан, элат, қаҳрамон!

(“Қизлар”)

Инфорик такрор:

О,қандай соз ёзги кечалар!

Қайрагочлар баланд аркида.

Лўппи-лўппи юлдузлар ёнар,

Кўз қамашар юлдуз сайрида...

(“Қизлар”)

Хуллас, инфорик такрор синтактик такрорнинг каммаҳсул тури ҳисобланиб, Ойбек ўз ижодида бу турдан кам фойдаланган.

Юқорида келтирилган такрор кўринишларидан ташқари, шоир ижодида дистант ва контакт ҳолатида қўлланган такрор турларини ҳам кўришимиз мумкин.

Дистант ҳолатда қўлланган такрор бирликлар орасида бошқа бир бўлаклар мавжуд бўлади. Контакт ҳолатда эса такрор қўлланган бирликлар ёнма – ён жойлашади, улар орасида бошқа ҳеч қандай бўлак мавжуд бўлмайди.

Умуман олганда, Ойбек ўз дostonларида синтактик-стилистик воситаларнинг турли усулларида кенг фойдаланган. Буларнинг ичида шоир ижодигагина хос бўлган белгиларни ҳам фарқлаш мумкин.

Бадиий нутқда тил ўзининг максимал даражадаги кўринишини, имкониятларини намоён этади. Бунда тилнинг услубий воситалари муҳим аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Бадиий асар тилини ўрганиш масаласи доимий равишда тадқиқотчиларни қизиқтириб келган, уларнинг истак-интилишларининг узвий қисмига айланиб қолган. Бундай қарашлар бадиий адабиётда, инсон камолотида, унинг маънавиятида бадиий тилнинг янада қадрланиб бориши зарурат эканлигини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам бадиий тилнинг инсон тафаккуридаги эстетик жиҳатини ўрганиш муҳимдир.

Аввало, бадиий асар тили ҳақида фикр юритар эканмиз, шу орқали ҳар бир ижод аҳлининг ҳаёт материалларини қай даражада билиши, қолаверса, ўзбек тили бадиияти имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларни таъсирчан қилиб ифодалаб беришига эътибор қаратамиз.

Ойбек дostonларининг фонетик хусусиятларини текширар эканмиз, шоир томонидан жуда кўп ҳолларда сўзнинг фонетик структураси адабий тил меъёрларига риоя қилинмаган ҳолда қўлланганини кўрамыз. Баъзи ҳолларда унли товушлар ҳам, ундош товушлар ҳам муаллиф томонидан атайлаб ўзгартирилиши ёки маълум бир мақсадда сўзнинг фонетик структураси бутунлай ўзгартириб қўлланиши ҳам, тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу маълум маънода фонетик жиҳатдан оҳангдорлик, раvонликнинг бирмунча ошишига олиб келади.

Ойбек дostonларида товушларни иккилантириш (геминация) ҳодисаси ҳам жуда кўплаб учрайди. Муаллиф томонидан товушларнинг иккилантирилиши тасодифий ҳол бўлмай, пухта ўйланган ва онгли равишда қўлланилган стилистик усул ҳисобланади.

Ойбек дostonлари морфемик таҳлил қилинганда кўпинча одатий ҳолатлардан четлашилмагани, морфем бўлакларни қўллашда меъёрий талабларга риоя қилинганининг гувоҳи бўламыз. Лекин бир ҳолат борки,

Ойбек, айниқса, ижодининг илк даврларида ёзган баъзи достонларида бу ҳолатдан бир неча бор фойдаланган.

Поэтик нутқда морфемик бирликларнинг қўлланиши бадий тилнинг ўзига хос томонларини ўрганишда муҳим бўлиб, ижодкор тилида морфем бўлакларнинг ишлатилиши у яшаган давр, муҳит ва ундаги ўзгаришлар билан бевосита алоқада бўлишини асослаб беради.

Луғавий маъно ифодаловчи бирликлар ўзаро турли жиҳатларига кўра тасниф этилиши, ўрганилиши мумкин. Тилнинг асосий вазифаси ахборот бериш бўлса, нутқнинг бадий услубида ана шу ахборот таъсирли, образли тарзда ўқувчига етказиб берилади. Буни амалга ошириш учун бадий услубда тилнинг турли воситаларидан хоҳлаганча, кенг фойдаланилади.

Ойбек ўз достонларида луғавий полисемик бирликлардан унумли ва моҳирона фойдаланган. Зеро, ҳар қандай бадий асар тилини бундай бирликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ойбек ўз достонларида полисемантик сўзлар ёрдамида кўчимнинг деярли барча турларидан фойдаланган. Энг кўп қўлланилган кўчим турлари сифатида метафора ва метонимияни кўрсатишимиз мумкин.

Ойбекнинг фразеологик бирликлар қўлланишида етарли маҳорат ва уқув эгаси эканини кўришимиз мумкин. Маълумки, фразеологик бирликлар ифода шакли такомилида оғзаки нутқнинг ўрни ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Чунки турғун бирикмалар нутқда тайёр ҳолга келиб, сўнг тилга кириб келади. Улардан фойдаланиш нутққа, матнга оғзаки нутққа хос хусусиятларни сингдиради.

Халқ маънавияти, оғзаки нутқ ижод маҳсули ҳисобланган иборалар ёки турғун бирикмалар ўз шакли ва маъноси замирида шу халққа хос зукколик, ифодадаги аниқлик ва образлилиқни намоён этади. Шу сабабли ибора ва турғун бирикмалардан фойдаланилганда, нутқ мазмуни янада

кучайиб, ифодалилиги ортади. Чунки ибора ва турғун бирикмалар лексик бирликларга нисбатан кенгрок мазмун мундарижасига, образлироқ ифода шаклига эга бўлади. Шунинг учун ҳам Ойбек ўз достонларида халқ тилидан олинган бундай воситалардан усталик билан фойдаланган. Бу эса ўз ўрнида достонларнинг юқори бадий савияда ёзилганини кўрсатувчи омиллардан биридир.

Маълумки, синтактик сатҳда, асосан гап қурилиши, гапнинг шаклланиш қонуниятлари ўрганилади. Бир сўз билан айтганда, синтаксиснинг энг асосий бирлиги гапдир. Ойбек достонларининг гап қурилиши адабий тилдагидан кескин фарқ қилмайди. Лекин Ойбек достонларининг синтаксиси учун хос бўлган бир ҳодиса борки, у достонларда гап бўлақларининг гап қурилишининг грамматик қонуниятларига бўйсунмаслиги, ўрин алмашилиши, яъни инверсия ҳодисасидир. Бу борадаги кузатишларимиз асосида шундай хулосага келдикки, Ойбек достонларининг деярли ҳар бир сатрида, ҳар бир гап қурилишида инверсия ҳодисасига дуч келамиз. Айниқса, сифатловчи аниқловчиларнинг инверсияга учраш ҳодисаси жуда кўп кузатилади.

Ойбек достонларида инверсияга учраган аниқловчининг энг кўп тарқалган тури шуки, нутқ муаллифи бадий асар персонажи ёки табиат ҳодисасини тасвирлаётган вақтида шу предмет ёки ҳодисанинг энг муҳим, уни бошқа предметлардан фарқлайдиган асосий хусусиятларини ажратиб, тингловчининг диққатини шу муҳим белгига ёки хусусиятга тортади. Образнинг ташқи қиёфасини, кийинишини, сифатини ёки унга хос бирор хусусиятни таъкидлайди. Чунки шоир кўпинча ўз образининг кимлигини юқоридаги хусусиятлар билан ҳам очиб беради. Шунинг учун бу хусусиятларга ўқувчининг диққатини тортиш билан ҳам ўз қаҳрамони белгиси ёки характерини очикроқ баён қилади. Бунда инверсияга учраган

аниқловчилардан моҳирлик билан фойдаланади, чунки инверсияга учраган сифатловчилар предмет белгисини таъкидлаб кўрсатади.

Ўзбек тили услубий воситаларга бой тил ҳисобланади. Унда поэтик синтаксис воситалари кенг қўлланиб, улар нутқнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. Улар кўпроқ шеърий нутқда ишлатилади. Шу билан бирга, насрий асарларда ҳам учраб туради, лекин уларда шеърий нутққа хос ритмик – мелодик белгилар сезилиб туради. Чунки услубий воситалар нутқ оҳангдорлигини таъминлаб, сўзлар уйғунлигини юзага келтиради.

Услубий воситалар нутқнинг таъсирчанлигини оширишда, мазмундорлигини таъминлашда қўшимча бирор вазифани бажарувчи тил элементларидир. Услубий воситалар бажариб келган вазифа моҳияти нутқда намоён бўлади. Бундай тил воситалари, айниқса, бадиий нутқ услубида кенг қўлланилиб, тилнинг бой имкониятларини кўрсатиб беришга хизмат қилади ва унинг эстетик функциясини оширишга катта ёрдам беради. Шу сабабли услубий воситалар бадиий тасвир воситалари деб ҳам юритилади, баъзи адабиётларда поэтик фигуралар номи билан ҳам аталади. Ойбек ўз дostonларида бундай воситаларнинг хилма-хил турларидан фойдаланган. Бундай воситалар ичида, айниқса, такрор ва унинг кўринишлари, санаш усули, синтактик параллелизм каби воситаларни кўплаб учратамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбек дostonлари тили ширали, содда ва равон, бадиий-тасвирий воситаларга жуда бой бўлиб, уларни яратишда ижодкор бадиий тилнинг бутун имкониятларидан моҳирона фойдаланган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Фан Ватан равнақига хизмат қилсин // “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”. 2-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
4. Абдуллаев Ҳ. Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. –Т.: “Фан”, 1981.
5. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. –Т., 1983.
6. Абдурахмонов Ғ. Абдулла Қодирий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1994. 4-5-6-сонлар.
7. Абдурахмонов Ғ. Қўшма гап синтаксиси асослари. Тошкент, “Фан”, 1958.
8. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1996.
9. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. –Т.: “Фан”, 1983.
10. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: “Фан”, 1989.
11. Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи. Фил.фан.ном. ...дис.автореф. –Самарқанд, 2004.
12. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. Филол.фан.номзоди...дисс.автореф. –Т., 2000.
13. Йўлдошев Б., Шодиев З. “Уфқ” трилогиясининг лингвопоэтик таҳлили масалалари (монография) Самарқанд, 2006.
14. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Фил.фан.док.дисс.автореф. –Т., 1993.

15. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. Тошкент, “Фан”, 1990.
16. Мамажонов А., Маҳмудов У. Услубий воситалар. Фарғона, 1995.
17. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1995.
18. Мирзакулов Т. Ўзбек тили морфемикасининг асосий аспекти ва уларнинг муносабатлари. –Хўжанд, 1991.
19. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. –Т.: Фан, 1975.
20. Муҳаммаджонова Г. 80-90-йиллар охири ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан.номзоди дисс.автореф. –Т., 2004.
21. Набиева Д. Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик – хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. –Т., 2005.
22. Неъматов Ҳ., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Т., 1993.
23. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Т., 1995.
24. Неъматова Д. Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили. Филол.фан.номзоди.дисс...автореф. –Т., 2004.
25. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. Тошкент – 2003
26. Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент, “Фан”, 1992.
27. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 3-жилд. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари бўйича танланган мақолалар. –Т.: “Академнашр”, 2012.
28. Нурмонов А. Лисоний бирликларнинг синтагматик муносабати//АДУ. Илмий хабарнома. 2009. № 4 б.74-79.
29. Нурмонов А., Искандарова Ш. Умумий тилшунослик. –Андижон, 2007.

30. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т., 2001.
31. Ойбек. Достонлар. –Т.: Ўздавнашр, 1949.
32. Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. Фил.фан.ном. ...дис.автореф. –Т., 1993.
33. Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. НДА. –Самарқанд, 2001.
34. Умиров И. Кўчим асосли турғун бирикмалар // Тил ва адабиёт таълими, 2005.
35. Халилова М. Ўзбек тили стилистикаси асослари. Фарғона, 2010.
36. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1980
37. Шомақсудов А., Қўнғуров Р. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1983.
38. Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик – семантик ва стилистик хусусиятлари. –Т., 1986.
39. Ўзбек тили лексикологияси. Т., 1981.
40. Ўзбек тили грамматикаси 1-2- том (синтаксис) Тошкент, “Фан”, 1976.
41. Ўзбек тили грамматикаси. Тошкент, 1986. 2-қисм. Синтаксис
42. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент. 1985.
43. Қобулжонова Г. Метафора ва метонимия муносабати // ФДУ хабарлари, 1997. 1-2-с.
44. Қобулжонова Г. Ўзбек тилида метафоранинг лингвистик талқини. НДА. –Т., 1999.
45. Ғойипов С. Эмоционал-экспрессив лексик қатлам ҳақида.”Ўзбек тили ва адабиёти”. 1976, 5-сон.
46. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1987.

47. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Тошкент. Ўқитувчи, 1983.
48. www.ziyouz.com.